



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

*Элмуродова Гулрух Карималиевна*  
“5220100 филология(инглиз тили)” таълим ёъналиши  
бўйича магистр даражасини олиш учун  
*Тил бирликларининг иерархик муносабати ва  
предикативлик ҳодисаси*  
мавзусида ёъзган

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар :** доц. Х. Хайруллаев

“Ҳимояга тавсия этилди”  
Умумий ва амалий тилшунослик  
Кафедраси  
мудири \_\_\_\_\_ проф. Н. Турниёзов  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2009 йил

**Самарқанд 2009 йил**

## Мундарижа

|                                                                                                                               |           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш .....</b>                                                                                                            | <b>3</b>  |
| <b>I. Боб. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифодасида парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатларнинг аҳамияти.....</b> | <b>8</b>  |
| 1.1. Парадигматика ва парадигматик муносабат .....                                                                            | 14        |
| 1.2. Синтагматика ва синтагматик муносабат.....                                                                               | 25        |
| 1.3. Иерархик муносабат.....                                                                                                  | 28        |
| <br><b>II. Боб. Предикативлик ҳодисаси ва унинг лингвистик талқини.....</b>                                                   | <b>30</b> |
| 2.1. Сўз ва сўз бирикмасининг предикативликка муносабати.....                                                                 | 40        |
| 2.2. Сўз ва унинг предикативликка муносабати.....                                                                             | 42        |
| 2.3. Сўз бирикмаси ва унинг предикативликка муносабати.....                                                                   | 46        |
| 2.4. Содда ва қўшма гап ва уларнинг предикативликка муносабати.....                                                           | 50        |
| <br><b>III. Боб. Тил бирликларининг иерархик муносабат масаласининг лингвистик тадқиқи.....</b>                               | <b>60</b> |
| 3.1. Тил бирликларининг поғонали муносабати .....                                                                             | 75        |
| Хулоса .....                                                                                                                  | 82        |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....                                                                                         | 86        |

## Кириш

Тил-бу жамият ўтмиши, унинг ҳаёти ва келажак интилишлари билан боғлиқ муҳим восита. Жамият тараққиёти йўлида тил ўлкан аҳамият касб этиб, унинг барча

соҳаларида бирдек хизмат қилувчи ижтимоий ҳодисадир. Жамиятни тилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабдан тил нафақат тилшунослар балки социологлар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Тилни кўплаб ижтимоий фанлар сингари фанлар тадқиқ этишга уриндилар. Жумладан социология, психология, фалсафа сингари фанлар тилни ўз нуқтаи назарлари ёрдамида талқин қилдилар. Тил соҳасида жуда кўп илмий адабийётлар чоп қилинди ҳамда уларнинг мазмуни тилнинг талқини ва тил таркибига кирувчи унсурларнинг нутқда намоён бўлиши ҳолатларини очиб беришга қаратилган.

Авваламбор, тил жамият аъзолари ўртасида мулоқот воситаси вазифасини ўтайди. Тил –бу миллатнинг руҳидир. Бу ҳусусда Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов шундай ёзади: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий – маънавий боғлиқлик *тил* орқали намон бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она –тили бу миллатнинг руҳидир”.<sup>1</sup>

Шундай экан, тилни қадрлаш ва уни тадқиқ этиш энг асосий вазифалар сирасига киради.

Тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири тилда учрайдиган ҳодисалар ва тил бирликларининг ўзаро муносабатини ўрганишдан иборат. Тилшуносликда тадқиқ этилиши муҳим бўлган муаммолар сирасига “Иерархик муносабат ва предикативлик ҳодисаси” деб аталувчи мавзунини киритиш лозим.

**Мавзунинг долзарблиги.** Тил бирликлари билан узвий боғлиқ бўлган поғонали муносабат масаласи тил системаси унсурларининг амалда қўлланилиши жараёнида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Тил бирликларининг иерархик муносабатини ўрганиш уларнинг нутқда реал воқеланишини билишга имкон беради. Тилнинг энг юқори сатҳ бирлиги сўз структурасини вужудга келиши ҳам тилнинг энг кичик бирлиги фенемага келиб тақалади. Шунинг учун ҳам тил бирликларининг ҳар бир талқин этилиши ва уларнинг ўртасида келиб чиқувчи иерархик муносабат тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуда ёритилган предикативлик ҳодисасининг ўрганилиши, уни талқин этиш ҳозирги кунда тилшуносликда кун тартибига қўйилган долзарб муаммо ҳисобланади.

Предикативлик фақат замон, шахс, модаллик ёки кесим тушунчаси билан боғлиқ категория эмас, шу туфайли бу категория кесимсиз гаплар ёхуд яқка сўз билан ҳам боғлаб ўрганилиш имкониятига эга. Предикативлик борасида тадқиқ этилган ишлар ўзбек

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент. “Маънавият” 2008. 83 бет

тилшунослигида кам миқдорни ташкил этади. Уни ўзбек тилшунослигида батафсил талқин этиш муаммони янада ёритилишига асос бўлади. Шу боис бу мавзу ўзига хос долзарбликка эга.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот иши тилшуносликда тадқиқ этилиши лозим бўлган тил бирликларининг поғонали муносабатини ўрганар экан, бунда тил бирликлари, тил сатҳлари объект сифатида олинади. Предикативлик ҳодисасини ўрганишда эса сўз, сўз бирикмаси, гап, қўшма гап, боғланган ва эргаш гаплар асос бўла олади.

Юқоридагиларни атрофлича ўрганиш предикативлик ҳодисасини тавсифлаш жараёнида катта рол ўйнайди.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари:** Тадқиқот ишимиз тили бирликларининг поғонали муносабатини талқин этишда тил сатҳлари ва уларнинг қатъий бирликларини кўрсатиб беришни ҳамда мазкур бирликлар ўртасидаги иерархик муносабатни, қолаверса тил бирликларининг парадигматик, синтагматик муносабатларини тавсифлашни, предикативлик ҳодисасининг намоён бўлишида унинг ифода объектларини кўриб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу мақсадни амалга оширишда тадқиқот иши бир неча вазифаларни ўз ичига олади. Бундай вазифалар қуйидагиларни ўз таркибига киритади:

- тил сатҳларини нутқ сатҳларидан фарқлаш;
- тил сатҳлари бирликларини айнан кўрсатиш;
- сатҳлараро парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатларни ёритиш;
- предикативликни ифода объектларини тавсифлаш;
- предикативликни юзага келтирувчи омилларни кўрсатиб бериш ва ҳоказо.

**Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари.** Тадқиқот мавзуси борасида илгари ҳам кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Машхур олим Ф.де Соссюр тил ва нутқни фарқлаш, уларнинг алоҳида бирликларга эга эканлигини таъкидлаган эди. Унинг назарияси асосида бир қанча жаҳон тилшунослари ўзларининг тадқиқотларини олиб бордилар. Жумладан, В.М.Солнцев, А.И.Смирницкий ишларига алоҳида урғу бериш лозим. Рус Тилшунослари В.В.Виноградов, А.А.Шахматов, М.И.Стеблин – Каменский, А.Г.Руднив, Ю.С.Степанов, Е.И.Шутова, В.Б.Касевич сингари машхур олимлар ишлари предикативлик муаммосини мукамалроқ ўрганишга эътибор қаратди. Айтиб ўтилган тилшуносларининг предикативлик борасидаги тадқиқотлари, тадқиқот ишимизда назарий асос бўла олди. Ҳамда тадқиқот иши ўзбек, рус ва инглиз тилларини қиёслаш асосида олиб борилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқот ишимизда тил бирликларининг поғонали муносабати ва предикативлик ҳодисаси ўзбек ва инглиз тилларидаги мисоллар асосида ёритиб берилади. Предикативлик ҳодисасини тавсифлашда биз кўпроқ кесим билан боғлиқ замон, шахс-сон, майл каби тушунчаларга эмас, балки предикативликни воқеликка муносабат билдиришини инобатга олиб, вазиятдан келиб чиқиб сўз ва ҳам сўз бирикмаси ҳам предикативлик ифодадай олиши, бунда мазкур бирликлар алоҳида (махсус) қўлланишга эга бўлиши лозим, шу билан бирга бу вазиятда нолингвистик унсур ҳисобланган оҳанг юқори аҳамият касб этишига эътибор қаратдик. Тадқиқот ишимизда тил бирликлари ўртасидаги муҳим муносабатлар бўлган парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатлар тавсифланишида инглиз тилидаги мисоллардан кенг миқёсда фойдаланилди.

Инглиз тилидаги бадиий асарлардан келтирилган мисоллар юқоридаги фикрларимизни тавсиф этишда восита бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация тузилиши.** Диссертация кириш қисми, асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига қамраб олади. Кириш қисмида мавзу хусусида қисқача маълумот берилади. Мавзунинг тўлиқ тавсилоти асосий қисмда айтиб ўтилади. Асосий қисм уч бобдан иборат. Биринчи бобда предикативлик ҳодисасини ёритишда парадигматик, синтагматик, иерархик муносабатлар таърифи келтирилади. Ҳамда мазкур муносабатлар мисоллар асосида кўриб чиқилади. Иккинчи боб тўлиқ предикативлик ҳодисаси, унинг лингвистик талқинига бағишланган. Бу бобда сўз, сўз бирикмаси, қўшма ва содда гап, боғланган ва эргашган гапларнинг предикативликни қай тарзда ифода этиши юзасидан фикрлар билдириб ўтилади. Учинчи бобда тил бирликларининг иерархик муносабат масаласи ёритилади. Бунда фонема, морфема ва сўзнинг поғонали муносабатлари мисоллар асосида тавсифланади. Диссертация хулоса билан якунланади ҳамда унинг сўнгги саҳифалари илмий тадқиқот ишида фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхати билан таништиришга бағишланади.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқот иши юзасидан иккита илмий мақола 2008-2009 ўқув йилларида чоп этиладиган журналларда босиб чиқарилди. Мазкур мақолалар ҳам тадқиқотлар ишидан намунаси сифатида кўрсатилади. Дастлабки мақола “Предикативлик ифодасига доир” деб номланиб унда тилшуносларнинг предикативлик хусусидаги фикрлари бериб ўтилади. Иккинчи мақола “Сўз бирикмаси ва унинг предикативликка муносабати” деб номланиб, унда сўз бирикмасининг предикатив ва нопредикатив турлари хусусида сўз юритилади.

**I.Боб. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифодасида парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатларнинг аҳамияти**

Тилшунослик фанида предикативлик муаммоси актуал бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки “предикативлик” тушунчаси нафақат грамматик қонун-қоидалар билан, балки мантиқ фанининг қонун-қоидалари билан ҳам узвий боғланади, зеро мантиқ фанида “субъект” (мантиқий эга) ва “предикат” (мантиқий кесим) терминлари функцияларига кўра жуда катта аҳамиятга эга.

Бошқача айтганда, мантикий субъект ҳукмнинг ижрочисини, предикат эса бевосита ана шу ҳукмнинг ўзини тақозо этади.

Албатта, тил билан тафаккур ўртасида мукаммал муносабат мавжуд. Демак, грамматик қонун-қоидалар билан мантикий қонун-қоидалар ҳам чамбарчас боғлиқдир. Аммо бу грамматик қонун-қоидалар билан мантикий қонун-қоидалар ўртасида чегара йўқ, деган тушунчани англатмайди. Уларнинг ҳар бири ўз қонун-қоидалари замиридагина ривожланади ва уларга бўйсунди. Шунинг учун грамматик субъект ва предикат мантикий субъект ва предикатдан ўз мазмунига кўра фарқ қилади.

Умуман олганда, тилшуносликда қўлланилаётган “субъект” ва “предикат” атамалари аслида мантикий терминлардир. Уларнинг тилшуносликда қўлланилиши мақсад ифодасини тўлиқ бера олмайдигандай кўринади. Ҳатто улар ўрнида эга” ва “кесим” терминларидан фойдаланганимизда ҳам шу мавхумлик сақланиб қолаверади, зеро бу атамалар ҳам мантикий маънолардан холи эмас. Бундан ташқари, эга ва кесим муносабати, баъзан эса кесимнинг ёлғиз ўзи предикативлик ҳодисасини асослайди, деган жумлалар ҳам кўп қўлланилади.

1988 йилда Москвада чоп этилган “Хорижий сўзлар луғати” да “предикат” термини аслида лотинча бўлиб, қуйидаги икки маънода қўлланилиши таъкидланганлигини кўрамыз: 1) грамматик кесим. 2) мантикий кесим.<sup>2</sup>

Кўринадики, бу ўринда ҳам грамматик ва мантикий кесимлар ўртасида мавжуд бўлган фарқлар хусусида фикр юритилмайди. Айнан шундай мулоҳаза А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати” да ҳам такрорланади. Мазкур ишда ҳам грамматик кесим билан мантикий кесим ўртасидаги тафовутлар изоҳланмайди. Шунинг учун “предикативлик” тушунчаси қуйидагича таърифланади: “Предикативлик гап мундарижасининг реал воқеликка муносабатнинг тил воситалари билан ифодаланиши”.<sup>3</sup>

А.Ғуломов ва М.Асқароваларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида мантикий предикат билан грамматик предикатни ва умуман, ҳукм билан гапни фарқлаб изоҳлашга тўғри эътибор берилган. Зотан “ҳукм билан гапнинг функцияси бошқа-бошқа, ҳукмдаги субъект-предикат гапдаги эга-кесимга мос келавермайди, гап иккинчи даражали бўлакларга ҳам эга бўла олади, ҳукмда бу хусусият йўқ, ҳар қандай гап бевосита ҳукмни ифодалай бермайди”.<sup>4</sup>

А.Ғуломов, М.Асқароваларнинг фикрига кўра, предикативликни кесим кўрсатади.(Борди, студент эдим) Кесим умумий предикативлик маъносини конкрет модаллик, замон,

---

<sup>2</sup> Қаранг. Ўша аср, 345 - б

<sup>3</sup> Қаранг. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент, 1985, 69-бет

<sup>4</sup> Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987, 35-б

шахс категориялари орқали ифодалайди. Предикативликни шакллантиришда интонациянинг (оҳангнинг) ҳам иштироки бор.

Тилшуносларлар бундан ташқари, гапни шакллантирувчи, гапнинг асоси бўлган предикативлик ҳодисаси, одатда, сўзларнинг предикатив қўшилиши билан ифодаланишини таъкидлайдилар ва бунга қуйидаги мисолларни келтирадилар: Бола югурди. Бола ёш.

Мазкур мулоҳаза тўғри, албатта. Бироқ А.Ғуломов, М.Асқаровалар предикативликни бир ўринда кесимлилик деб қатъий таъкидласалар-да, иккинчи бир ўринда бир сўздан иборат гапларда кесимни топиб бўлмаслик ва бундай ҳолатда предикативлик гапга бутунича хос бўлиши хусусида изох берадилар. Ва ниҳоят, учинчи бир ўринда қуйидаги фикрни келтирадилар: “Предикативлик психологик категория бўлиб, кесимлилик эса грамматик категориядир, лекин предикативлик термини грамматик маънода ҳам ишлатила беради”.<sup>5</sup>

Предикативлик ҳақида В.В.Виноградов ҳам ўзига хос фикр билдиради. Унга кўра, предикативлик гап шаклланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади ва у гап орқали берилаётган хабарни ҳақиқий воқелик, борлиқ билан боғлайдиган бирдан-бир омил саналади. Гап орқали ифодаланаётган хабар модаллик. Замон ва шахс категориялари ёрдамида реал борлиқ билан муносабатга киришади.

В.В.Виноградов предикативлик ҳодисасининг вужудга келишида интонациянинг ҳам муҳим аҳамияти борлигини алоҳида таъкидлайди ва шу билан бирга, интонация гапнинг мазмуний, шаклий ва грамматик тузилишига алоқадор эмаслигини, аммо сўз ёки гап доирасидан ташқарида яшай олмаслигини эслатиб ўтади.<sup>6</sup> Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, интонация гапнинг грамматик қурилиши учун аҳамиятсиз бўлса-да, унинг грамматик шаклланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу нарса бир сўзли гаплар мисолида янада аниқроқ сезилади: Тун. Сокинлик.

Келтирилган мисолларда ҳар икки сўз ҳам мустақил гап функциясини бажармоқда. Бошқача айтганда, мазкур лексик унсурлар оҳанг таъсирида гап даражасига кўтарилмоқда.

Бундай қурилмаларнинг, гарчи бир сўзли бўлса-да, мустақил гап шаклида келиши ва предикативлик белгиси билан характерланиши модаллик тушунчаси билан ҳам бевосита боғлиқдир, зеро модаллик Ш.Балли таъбири билан айтганда, ҳар қандай гапнинг ҳам “жони”дир.<sup>7</sup> А.И.Смирницкий предикативлик белгисини ифодаловчи асосий воситалар сифатида қуйидагиларни кўрсатади: интонация (оҳанг), модаллик ва феълнинг

<sup>5</sup> Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар. – Б. 38 -39

<sup>6</sup> Қаранг: Виноградов В.В. Избранные труды Исследования по русской грамматике. – М., 1975. – С. 267-269

<sup>7</sup> Қаранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1955. – С.44

шахс формалари. Бундан ташқари А.И.Смирницкий предикативликнинг феъл иштирокисиз шаклланивчи тури ҳақида ҳам кенг маълумот беради. Бунда муаллиф кўпроқ эълон тарзида ишлатиладиган Чекиш мумкин эмас! сингари ибораларга ва бир сўзли гапларга аҳамият беради. Феълнинг иштирокисиз шаклланган гапларнинг суҳбат жараёнида ҳосил бўладиган турларда ҳам предикативлик ҳодисаси кузатилишини ишонарли мисоллар воситасида кўрсатиб беради: - Исмнинг нима? – Анна.

-Бошингиз оғрияптими? –Ҳа.<sup>8</sup>

Аммо шуни ҳам айтиш лозимки, А.И.Смирницкий ҳам предикативлик тушунчаси аслида мантиққа хос эканлигини айтса-да, бу терминнинг грамматикада нима сабабга кўра ва қандай маънода қўлланилишини мукаммал ёритиб бермайди. Бу ҳақда баъзи бир янги фикрлар М.И.Стеблин-Каменскийнинг “Тилшуносликнинг мунозарали масалалари” деб аталувчи асарида келтирилган.

Стеблин-Каменскийнинг фикрига кўра, кесимсиз бир таркибли гапларда реал предикативлик белгиси бўлмайди. Ва бундай гапларнинг воқеликка муносабати муҳит орқали ифодаланади. Масалан, Ёнғин! Оқ йўл! Баҳор. Куз сингари бир сўзли гаплар кесимсиздир. Уларнинг кесими бўлмагач, эгаси ҳам бўлмайди.

Бу хилдаги бир сўзли гаплари алоҳида гап тарзида шакллантирувчи омил интонациядир. Интонациянинг ёзувдаги ифодаси эса тиниш белгилари орқали берилади. Лекин таркибида кесим иштирок этаётган гаплар предикативлик ифодасига кўра бундай гаплардан фарқ қилади. Кесим қатнашган гапларни ҳар доим мантикий ҳукмга нисбат қилиш мумкин. Кесимсиз гапларда эса бу ҳақда фикр юритиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, предикативлик ҳодисасини, агар хабарнинг реал борлиққа бўлган муносабатини таъминловчи восита сифатида тушунадиган бўлсак, у ҳолда уни кесимлилик маъносида талқин этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки кесим иштирок этмаган хабар ҳам реал борлиққа бевосита муносабат билдира олади. Бунга бош бўлақлар иштирокисиз шаклланган гапларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агар уни кесимлилик маъносида тушунадиган бўлсак, кесим иштирок этмаган гапларни предикативсиз гаплар сифатида талқин этишга тўғри келади.

Ана шу сабабдан биз юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, предикативлик ҳодисаси нафақат кесим иштирок этган гапларга, балки кесимсиз гапларга, ва ҳатто тилнинг гапдан бошқа бирликларига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин, деган хулосага келдик. Бу эса, ўз навбатида, предикативлик тушунчасини гап орқали ёки тилнинг бошқа бирликлари орқали (сўз, сўз бирикмалари) ифодаланган хабарнинг воқеликка муносабати тарзида талқин этишни тақозо этади. Бу жараёнда, албатта, замон, модаллик тушунчалари

---

<sup>8</sup> Қаранг: Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. –М., 1957. –с 104-107

ҳамда экстралингвистик факторлар (паралингвистик факторлар) ва нутқ муҳити ўзига хос аҳамият касб этади.

Тилшуносликда предикативлик ҳодисасини изоҳлаш тил бирликларининг ўзаро муносабатлари орқали намоён бўла олади.

Тил бирликларини система, яъни тизим шаклида кўриниши тилдаги парадигматик, синтагматик, иерархик муносабатларга бевосита алоқадор.

Замонавий тилшунослик тадқиқотлари Ф.де Соссюрнинг “тил ва нутқ” дихотомиясига асосланган ҳолда ўтказиб келинмоқда. Тил ва нутқни бир биридан ажратиш форма ва субстанция ўртасидаги тафовутга ҳам сабаб бўлди. Ф. Де Соссюр ёзади: “...тил субстанция эмас, балки формадир.”<sup>1</sup>

А.П.Евдошенко шундай дейди: “Тилда бир томондан матн (текст) бошқа томондан эса система намоён бўлади. Текст синтагматик анализ қилинса, система парадигматик тарзда таҳлил этилади”.<sup>2</sup>

Ферденанд де Соссюр томонидан тил элементлари ўртасида ифода топадиган икки асосий муносабат таъкидланади. Булар парадигматик ва синтагматика билан бевосита боғлиқ бўлган парадигматик ва синтагматик муносабатлардир.

Элементларнинг тўғри чизик бўйлаб (сафма-саф) кетма-кет жойлашувини Соссюр синтагматик муносабатга, элементлар ўртасидаги турли синфлар аъзолари ўртасидаги муносабатни эса ассоциатив муносабатга қиёс этади. “Парадигматик муносабат тилда мавжуд характер-хусусиятлар билан боғланса, синтагматик муносабат эса нутқ хусусиятлари билан алоқадор”, - дейди В.М.Солнцев.<sup>9</sup>

“Парадигматик муносабат ўзаро таъсир (ёки ўзаро боғланиш) хусусиятини ўзида акс эттирмайди, балки турли гуруҳ аъзолари ўртасидаги” “онг ассоциация ёрдамида англашиладиган” муносабатдир.<sup>10</sup> В.М.Солнцев фикрича, парадигматик муносабатни бир синфни ташкил қилувчи элементлар ўртасидаги ички синфли муносабат деб ҳам номлаш мумкин.

Синтагматик муносабат эса В.М. Солнцев ёндашувига кўра, реал ўзаро таъсир ёки ўзаро бирикув хусусияти бўлгандагина содир бўлади.<sup>11</sup>

Бизнингча ҳам, синтагматик муносабат нутқ жараёнида элементлар ўртасида ўзаро боғланиш бўлсагина кузатилади. Синтагматик муносабатга киришган элементлар алоқаси тилнинг нутқда реал қўлланилиши билан боғлиқ.

---

<sup>1</sup> Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. - М., 1933. –С.120.

<sup>2</sup> Евдошенко А.П. «Проблема структуры языка». Кишинев; 1970. –С. 9-10.

<sup>9</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1977,-С. 68

<sup>10</sup> Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. - М., 1933. –С. 123.

<sup>11</sup> Солнцев В.М. Ўша асар. – Б. 68.

Тил бирликлари ўртасида яна бир муносабат ўз аксини топган. Бу **иерархик** муносабат. Бундай муносабат содда тил бирлигининг мураккаб бирликка айланиши, яъни бир тил бирлигининг поғонавий муносабатда иккинчи бир ўзидан катта бирлик таркибига ўтиши билан ифодаланади. Иерархик муносабат синтагматик ва парадигматик муносабатлардан ҳоли равишда юзага келади.

Айтиш мумкинки тил бирликларининг ҳар бири бу муносабатлар (иерархик, парадигматик, синтагматик)нинг ҳар бирида ифодаланиш имкониятига эга.

Қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

### 1.1. Парадигматика ва парадигматик муносабат

Парадигматик муносабатни тушунтиришда “**парадигма**” терминига эътибор қаратсак. Инглиз тили изоҳли луғатларида “парадигма” шундай таъриф олади: “paradigm – example or patter especially a set of noun or verb inflexion, яъни парадигма асосан от ёки феъл ўзгариш системаси, мисол ёки намуна маъноларида қўлланилади.

Албатта, бундай изоҳ тор доирали бўлиб, парадигма терминининг изоҳланишини чеклаб қўймоқда. Парадигма термини турли тилшунослик манбаларида ўз таърифини олган. В.М.Солнцев фикрича, парадигма **позиция** тушунчаси билан алоқадор.<sup>12</sup>

М.В.Пановнинг “Русская фонетика” китобида парадигма терминига икки хил изоҳ билан ёндашилган: “Шундай қилиб, парадигма – бу тил бирликлари қатори, бу тил бирликларининг бир-биридан фарқли позицияси ёрдамида аниқланади”, “Баъзан парадигма терминини қуйидаги маънода қўлланилади. Бир позицияга учрайдиган тил бирликлари парадигма деб аталади”.<sup>13</sup>

В.М.Панов фикрига таклидан мисол келтиришимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилида: нам, ном сўзларини оламиз. Уларнинг таркибидаги а – о фонемалар парадигмасига мансуб. Инглиз тилида ҳам худди шунга ўхшаш мисоллар билан таҳлил олиб бориш мумкин. Масалан: cat, car, care, cake сўзларини ўзбек тилидан фарқ қилган ҳолда инглиз тилида ҳар бир фонемасининг ўзига хос турли кўринишдаги талаффуз қоидалари бор. Юқоридаги сўзларимиздан “с” ундош товушдан сўнг қўлланилган биргина “а” фонемаси тўрт хил товушни ифодаламоқда. Cat – [kæt ], car – [kɑ: ], care – [kɛə], cake – [keik].

Демак, бу тилларда товушларнинг турли парадигматик қаторда учраши мумкин бўлган турли хил фонемалар мавжуд бўлишини кўрсатади.

Мисолда ўзбек тилидаги сўзларда а, о унли парадигмалар қатори кўрсатилса, инглизча мисолларимизда биргина **а** фонемасининг ҳар хил товушларни ифода этиши

<sup>12</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М., 1977,-С.75.

<sup>13</sup> Панов М.В. Русская фонетика. – М., 1967, -С. 6.

кузатилади. Ушбу мисолда **a<sup>1</sup> a<sup>2</sup> a<sup>3</sup> a<sup>4</sup>** шаклида кичик парадигматик қатор тузилиши мумкин. Бундай кичик парадигмалар инглиз тилидаги ҳар бир унли товуш қуршовида учрайди.

Бу парадигма унлилар орасида микропарадигматик қаторни ташкил этса, уларнинг макропарадигмалари умумий унлиларни қамраб олади. Парадигма тилдаги энг кичик бирлик фонемалар сатҳидан бошлаб, тилнинг катта бирликлари сатҳларида ҳам ўз аксини топади.

Инглиз тилида кичик парадигмалардан ташкил топган йирик катта унлилар парадигмаси V (Vowel – унли товуш) белгиси билан берилса, ундошларнинг умумий макропарадигмаси C (consonant – ундош товуш) белгиси ёрдамида изоҳланиши мумкин.

Биз юқорида келтирган cat, car, сўзлари CVC (яъни consonant ундош) + Vowel (унли) + Consonant шаклида тузилган сўзлар парадигмасига мансуб бўлса, care ва cake сўзлари эса CVCV шаклидаги (consonant + Vowel + consonant + Vowel) асосида ташкил топган сўзлардир.

Парадигма ва парадигматик муносабатни юқорида фонемалар ёрдамида кўриб чиққан бўлсак, энди уни сўз сатҳида ҳам текшириб ўтамыз.

Қуйидаги гапларни мисол тариқасида олсак:

1. Мен китоб ўқидим – I read a book
2. Сен журнал харид қилдинг. – You bought a magazine.
3. У мақола ёзди. - He wrote an article

Юқоридаги гаплар синтактик тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш.

Уларнинг таркибидаги белгисиз қўлланилган воситасиз тўлдирувчи (инглиз тилида Direct Object) бир хил қўлланилиш имкониятини ўзида мужассам этган. Албатта, гаплардаги берилган воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган от сўз туркумидаги сўзлар отлар парадигмасига мансуб. Улар турли тилда турлича грамматик воситалар билан ифодаланиши мумкин.

Ўзбек тилида буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

|                 |        |                                                       |                 |
|-----------------|--------|-------------------------------------------------------|-----------------|
| Катта парадигма | Китоб  | Китобнинг<br>Китобни<br>китоба<br>Китобда<br>Китобдан | Кичик парадигма |
|                 | Газета | Газетанинг<br>Газетани<br>Газетага                    | Кичик парадигма |

|  |        |                                                             |                 |
|--|--------|-------------------------------------------------------------|-----------------|
|  |        | Газетада<br>Газетадан                                       |                 |
|  | Мақола | Мақоланинг<br>Мақолани<br>Мақолага<br>Мақолада<br>мақоладан | Кичик парадигма |

Аммо инглиз тилида юқоридаги парадигма ўзбек тилидагидан фарқ қилади. Инглиз тилида бизга маълумки, иккита келишик бор. Бош келишик ва қаратқич келишик 1. Nominative case. 2. Genitive case.

Шунга кўра инглиз тилидаги book, magazine, article сўзларини қуйидаги парадигмада кўрсатиш мумкин.

|                |          |                        |                |
|----------------|----------|------------------------|----------------|
| Makro paradigm | book     | Book<br>Book's         | Micro paradigm |
|                | magazine | Magazine<br>Magazine's | Micro paradigm |
|                | article  | Article<br>Article's   | Micro paradigm |

Барча тилларда вариант қаторларни ўзида мужассам этган бир неча синфларни ифода этувчи парадигмалар мавжуд. Тил элементлари ёки бирликлари ўз ичига абстракт (мавҳум) бирликларни қамраб олади. Масалан, сўз умумий ҳолда, фонема ҳамда морфема ҳам умумий олганда. Ана шундай виртуал бирликлар фақатгина нутқ жараёнида актуаллашади. Актуализация ҳодисаси хусусида Шарл Балли катта тадқиқот ишини ўтказган.

Тил элементлари катта синф ёки парадигмаларга жипслашади. Бундай парадигмалар турлича ҳажмда намоён бўлиб, турли сонни ташкил этувчи элементларни ўз ичига олади.

В.М.Солнцев шундай ёзади: “Элементы языка образуют сверхпарадигмы, или максимально широкое парадигмы, парадигмы, подпарадигмы, малые парадигмы. Малые или низшие парадигмы входят в высшие парадигмы в качестве элементов”.<sup>14</sup>

В.М.Солнцев сўзи билан айтганда, тилдаги элементлар умумлашган ҳолда максимал парадигмага бирлашади. Кичик парадигмалар ўзидан катта парадигма сафида ўз ўрнини эгалайди.

Бизнингча ҳам, парадигмаларни кичик ва катта парадигмаларга ажратиш катта аҳамиятга эга. Кичик парадигма – микропарадигма, катта парадигма – макропарадигма номлари билан аташ бизнингча, мақсадга мувофиқ. Тилдаги, ҳар бир сатҳ ўзининг микро ва макро парадигматик қаторларга эга. Фонематик сатҳда умумий фонемалар макропарадигма деб аталиш имконига эга бўлса, унинг таркибидаги унлилар ва ундошларнинг алоҳида микропарадигматик қаторлари намоён бўлади. Унлилар макропарадигмаси ўз навбатида, ўзига хос микропарадигма (тил олди, тил ўрта, тил орқа) кабиларга бўлинса, ундошлар ҳам кичик жарангли ва жарангсиз, портловчи ва сирғалувчи сингари парадигматик гуруҳларга ажралади.

Тилшунос олимларнинг кўпчилиги шуни таъкидлайдики, бир сатҳнинг лингвистик бирликлари ўртасидаги, асосий икки муносабат яъни парадигматик ва синтагматик муносабатлар бордир.

В.Г.Адмони шундай ёзади: “Парадигматик муносабат – бу грамматик қатордаги бир семантик – функцияли яссиликда жойлашган грамматик формалар ўртасидаги муносабат”.<sup>15</sup>

Парадигматик муносабат ўхшашликка асосланган муносабатдир. Бунда элементлар бир-бири билан бирикмайди, аммо улар бир-бирини алмаштириб кела олиш имкониятига эга.

“Парадигматик муносабат Н.Крушевский ва Ф.де Соссюр тушунчалари билан айтганда, ўхшашлик асосида (жиҳатдан) ташкил топган элементлар муносабати. Уларнинг назарича, бундай ўхшашлик икки шартга асосланиши мумкин:

- 1) семантик ва грамматик маъно;
- 2) товуш морфологик ва синтактик формалар, яъни лингвистик бирликларнинг исталган ички ёки ташқи белгиларининг ўхшашлик хусусиятларидир.

Тилшуносликка оид манбаларда грамматик, лексик, сўз ясалиши, фонемалар парадигмаси хусусида сўз юритилганлигининг гувоҳи бўламиз.

---

<sup>14</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1977,-С. 80.

<sup>15</sup> Адмони В.Г. Основы теории грамматики.1986. –С. 13.

Жумладан, Л.Л.Иофик наشري остида ташкил этилган “Структурный синтаксис английского языка” китобида бир неча парадигматик қаторлар ҳақида гапириб ўтилади. Масалан, *ученик* сўзининг парадигмалари сифатида *ученика, ученику, учеником, об ученике* сўзлари кўрсатиб ўтилади.


Парадигмалар тил бирликларининг ўхшаш жиҳатларига биноан шаклланади.

Юқорида фонемалар парадигмаси билан қисқача танишган эдик.

Навбатда эса, морфологик парадигмага диққатимизни қаратсак. Морфологик парадигма – бир лексема сўз формаларининг умумий йиғиндисидир. Масалан **play** феълининг парадигмаси қуйидаги сўзларда намоён бўлади: *played, plays, will play, is playing, was playing, will be playing, has played, had played, will have played, has been playing, had been playing, will have been playing*. **Boy** от сўз туркумидаги сўзнинг парадигмаси: *boy-boys, boy's-boys'* кабиларда намоён бўлади.

Бир ўзакдан ясалган сўзлар оиласи сўз ясалиш парадигмасини ҳосил қилади:

Масалан:



Лингвистик бирликларнинг семантикасига мувофиқ лексик парадигмаларни мисол келтириш мумкин.

С.Д.Кацнельсон фикрича, рус тилидаги *трусить, бояться, страшиться, пугаться, трепетать, ужасаться, испытывать робость* сўзлари яхлит системани ўзига хос парадигматик қаторни ҳосил қилади.<sup>16</sup>

Ю.Д.Апресян таъбирича, тилшуносликда “парадигма” атамаси бир формал ва семантик белгиси билан бошқа баъзан семантик ва формал белгисига кўра бир-бири билан таққосланадиган тил бирликлари умумий йиғиндисидир.<sup>17</sup>

Парадигматик муносабатни тадқиқ қилаётганда кўрилатган бирликлар ва улар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда фарқ инобатга олиниши лозим. Парадигматик қатор аъзолари тил структурасида яшайди.

<sup>16</sup> Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М. - Л., 1965, -С. 68.

<sup>17</sup> Апресян Ю.Д. Экспериментальное исследование семантики русского глагола. - М., 1967. -С. 193.

Ҳозирги кунга қадар парадигма борасида аниқ назария ўз аксини топмаган. Масалан, отлар парадигмасидаги бирлик ва кўплик отни бир парадигматик қаторга киритиш мумкинми, деган баҳсли саволларга жавоб топилмаган.

Шу ўринда синтактик парадигма хусусида ҳам баъзи мулоҳазаларни билдириб ўтишни жоиз топдик. Синтактик парадигма **синпарадигма** атамаси билан қисқартирилган. Бу термин ҳам олимларни мураккаб ҳолатга солиб қўйди.

Замонавий тилшуносликда синпарадигмага муайян бир таъриф берилмаган.


Л.Л.Иофик фикрича, синпарадигма бирликларини аниқлаш мушкул. Аммо бунга синтактик томондан ёндашилса синпарадигма бирлиги сифатида гап ва сўз бирикмасини тан олиш лозим бўлади.<sup>18</sup>

Баъзи лингвистлар фикрига кўра, сўз бирикмалари парадигмаси синтактик эмас, балки морфологик парадигма мавқеига эга. Масалан, сўз бирикмалари: *қувноқ бола*, *қувноқ боланинг*, *қувноқ болага* ёки *these book, these books* кабилар синтактик парадигма ҳисобланмайди.

Бундай тадқиқ этиш кучлироқ ҳамда эътиборлироқ ёндашишни талаб этади. Л.Л.Иофик фикрига кўра, сўзлар боғланмаси ва сўз бирикмалари ажратилган ҳолдаги парадигма тарзида эмас, балки гапнинг компонентлари парадигмасида тадқиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлади.<sup>19</sup>

Синтаксис билан шуғулланувчи тилшунослар қарашларига биноан, гап синтактик парадигманинг бирлиги ҳисобланади.

Дастлаб бу хусусда келтирилган фикрларни “Грамматика современного русского литературного языка” асари орқали кўриб чиқсак. Асарнинг “Содда гапларнинг парадигматикаси” бўлимида Н.Ю.Шведова мулоҳазалари ўзига хос ўринни эгаллаган. Унинг таъкидлашича, бир структур асосда қурилган гапнинг ифода планида турли модал ва замон маъноларининг ўзгартирилиши (ўзгариши) **парадигматик ўзгариш** деб қаралиши лозим. Фикр исботи учун Н.Ю.Шведова қуйидаги мисолни келтириб ўтади:

|                   |                                                                                     |                       |
|-------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|
| Сын учится        |  | Уч хил замон кўриниши |
| Сын учился        |                                                                                     |                       |
| Сын будет учиться |                                                                                     |                       |

Дарак формадаги бу учта гап аслида бир хил структуравий ва семантик асосда қурилган. Фақат биргина фарқ уларда иштирок этган предикат замонларининг ўзгаришидадир.

<sup>18</sup> Иофик Л.Л. Структурный синтаксис английского языка. - М.1978 –С. 20.

<sup>19</sup> Иофик Л.Л. Структурный синтаксис английского языка.-М.1978 –С. 21.

Лингвистик адабиётларда бундай тушунча **синтактик парадигма** деб аталади.

Бундай ёндашиш қуйидаги хулоса билан якун топади:

1. Гаплар парадигмаси феълларнинг морфологик парадигмасига бориб тақалади.
2. Гап парадигмаси учун феъллар парадигмаси энг муҳим ўринни эгаллар экан, бунда замон, майл каби феълга хос хусусиятлар ҳам ўзига хос рол ўйнайди.

Синтактик парадигмага ёндашишда З.Харрис ва Н.Хомский каби олимлар ишларини айтиб ўтиш мумкин. Аммо Д.Уорт биринчилардан бўлиб синтактик парадигмани аниқ формага солиб берди. Унинг фикрича, морфологик ва синтактик сатҳлардаги парадигмалар ўртасида тўлиқ параллелизм мавжуд бўлиб, бундай синтактик парадигма 2 хил турга ажратилади. 1) Флектив 2) Деривацион

Флектив парадигмадаги гаплар бир-бирига ўхшаш. Д.Уорт фикрича, бундай гаплар сўз ўзгариши билан намоён бўлса, деривацион эса - сўз ясовчилардир.<sup>20</sup>

Д.Уорт фикрига тақлидан Л.Л.Иофик шундай мисол келтиради:

I. Флектив парадигма

- 1) бир сафли: *собака лает, собаки лают*
- 2) сафсиз: *он профессор, он был профессором*

II. Деривацион парадигма.

*Студенты читают книги*      ~~Книги~~ *читаются студентами*

Бундан шундай хулоса чиқадики, демак парадигма синтактик хусусиятли ҳам бўлиши мумкин. Синтактик парадигма гапларга тегишли қаторни ҳосил қилади, ҳамда бунда синтактик алоқага киришган, ўзаро боғланган элементлардан ташкил топган гаплар ҳам парадигматик қаторга эга бўлади. Феъллар эса бундай парадигматик қатор учун муҳим восита ҳисобланади.

Синпарадигма инглиз тилида ўзгача кўринишларга эга. Улар ички модели ҳамда моделлараро синпарадигмага ажратилиши мумкин.

Ички модели парадигма – бир модель вариантлари умумлашмаси: барча ўзгаришлар у ёки бу моделда, унга путур етказмаган ҳолда содир бўлади. Ички модели парадигма ўз навбатида, шакл ўзгартирувчи ва трансформацион турларга бўлинади.

Ички модели шакл ўзгартирувчи синпарадигма – бу бир модель вариантлари жамланмаси бўлиб, бунда гапдаги компонентлар гапни шакллантириш позициясига кўра ўхшаш бўлади.

Шакл ўзгартирувчи синпарадигмалар инглиз тилида қуйидагича таснифланиши мумкин:

---

<sup>20</sup> Worth D.S. The role of transformations in the definition of syntagmas in Russian and other Slavic Languages. American contributions to the V International Congress of Slavists. The Hague, 1963.

1) Сон категориясига кўра ўзгаруви (ўзгариш)

*The bird sings*

*The birds sing*

2) Шахс категориясига мувофиқ ўзгариш

*I write*

*we write*

*He writes*

*you write*

*She writes*

*they write*

*It writes*

3) Замон категориясига кўра ўзгариш

*He writes*

*he is writing*

*He wrote*

*he was writing*

*He will write*

*he will be writing*

*He has written*

*he has been writing*

*He had written*

*he had been writing*

*He will have written*

*he will have been writing*

Инглиз тилида феъллар ҳозирги замонда 2 хил шахс ва сон категориясига эга: 1) умумий 2) 3 - шахс бирлик формаси.

Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ инглиз тилида феълларнинг кўплик формасидаги ҳурмат маъноси (яъни масалан дадам келдилар) йўқ. Инглиз тилида кўплик формаси ҳам худди бошқа шахсларники (бундан 3-шахс бирлик мустасно) сингари қабул қилинган.

3-шахс бирликда мустақил феъллар ҳозирги замонда **–s (-es)** қўшимчаси орқали ясалади.

Масалан:

He (У - ўғил бола) - goes

She (У – қиз бола) – goes

It (У – жонсиз предмет) – goes

Н.В.Френсис фикрича, инглиз тили гаплари структурасидаги ва 3– шахс бирлик кесимнинг мослашуви эганинг қуйидагича ҳолатда келганида намоён бўлади:

1) Бирлик сондаги от билан ифодаланса;

2) Кишилиқ олмошлари *he, she, it* ёрдамида;

3) Кўрсатиш олмошлари *this, that*.

4) Юқорида келтирилганлар ўрнида қўлланилган сўз бирикмаси

5) Герундий ёки инфинитив орқали;

*Eating candy causes tooth decay;*

6) *either ....or, neither ....nor ёки nor, not only... but also* каби бирикмалар;

*Either his mistakes or his bad luck keeps him poor.*

7) Умумий жамоани ифода этган жамловчи отлар ёрдамида: *Our government is a people's government.*<sup>21</sup>

Д.Уорт таъбирича, форма-ўзгартирувчи синпарадигма морфологик парадигмалар сегменти, у муайян синтактик доирада (муҳитда) юзага келади.<sup>22</sup>

Гап парадигмаси ўзининг барча иштирокчилари ёки бир неча иштирокчилар ёрдамида намоён бўлади.

Бундай парадигмалар таркиби қуйидагича:

- 1) гап моделидаги компонентлар сони;
- 2) улар ифодасидаги морфологик услуб
- 3) гап компонентлари бўлган сўзлар семантикаси

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, гап – мураккаб синтактик бирлик, у ўзида синтактик белгига эга бўлган бирликларни мужассам этади. У бевосита синтактик қаторда жойлашган бирликлар муносабатидан шаклланади. Бундай қатор тилшуносликда синтагматика тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Қуйида синтагматик муносабат ҳақида фикр юритамиз.

## 1.2. Синтагматика ва синтагматик муносабат

Синтагматик муносабат парадигматик муносабатдан ўзининг хусусиятлари билан ажралиб туради. У тил бирликларининг нутқ жараёнида бир чизик бўйлаб кетма-кет жойлашишидан келиб чиқувчи муносабат. Масалан тил элементлари бир чизик бўйлаб жойлашганда қуйидагича кўриниш ҳосил бўлади. Сўз бирикмаси: *the wedding on Saturday of his godchild.*

Синтагматик муносабат турли тил сатҳларига мансуб бирликлар ўртасида кузатилади, жумладан, сўз таркибида келган фонемалар ва морфемалар ўртасида гап таркибидаги сўз ва сўз бирикмалари ўртасида, полпредикатив, монопредикатив, ҳамда предикатив бўлмаган боғланишли нутқда юзага келган гапларда. Синтагматика Л.Л.Иофик таъбири билан айтганда, тил бирликларининг нутқ структурасини қуришдаги ҳолатини ўрганади. Л.Л. Иофик фикрича, боғланишли нутқда элементлар эркин эмас,

<sup>21</sup> Francis W.N. The structure of American English. NY.,1958. –P. 331.

<sup>22</sup> Worth D.S. The role of transformations in the definition of syntagmas in Russian and other Slavic Languages. American contributions to the V International Congress of Slavists. The Hague, 1963.

балки тил қонуниятларининг муайян қонуниятлари асосида тобе боғланиш орқали муносабатга киришади.<sup>23</sup>

Синтагматик муносабатга хос хусусият унинг тўғри чизикда кетма-кетлик асосида тузилишга эга бўлишидир, деган фикрни айтиб ўтади Б.И.Косовский.<sup>24</sup> Унинг фикрича, агар тўғри чизик бўйлаб жойлашган тил бирликлари кетма-кет келмаган бўлсалар ҳам улар ўзаро синтагматик алоқага киришган ҳисобланадилар. Масалан, *Я тебе это сказал*; бунда *я* ва *сказал* сўзлари бевосита предикатив муносабатни ташкил этиб, гарчи улар гапда ўзаро узоқ масофода турган бўлсалар ҳам синтагматик муносабатга киришган ҳисобланадилар.

Ф.де Соссюр ҳам синтагматик муносабатни тўғри чизикда юзага келувчи муносабат дея изоҳ беради.<sup>25</sup>


“Синтагматика сўзининг келиб чиқиши *синтагма* сўзига бориб тақалади. Синтагма – тил элементларининг бир чизикда кетма-кетлик асосда бирикувидир”, - дейди, В.М.Солнцев.

Синтагматик муносабатга нисбатан қуйидагича таъриф бериш мумкин:

1. Синтагматик муносабат тилда асосий вазифани юзага келтиради – бу коммуникатив функциядир. Синтагматик муносабат орқали нутқда хабар ифодасини берувчи гаплар шаклланади.
2. В.М.Солнцев фикрича, синтагматик муносабат парадигматик муносабатни юзага келтиради. Ф.де Соссюр шунга урғу берадики, нутқ фактлари тил фактларидан олдин пайдо бўлади.

Синтагматик муносабатга киришган тил элементлари ўзи келган позицияда бошқа элемент билан алмаштириш имконига эга бўлса, унда улар бир парадигматик қаторга мансуб ҳисобланади.

Масалан инглиз тилидаги мисол асосида буни шундай кўрсатиш мумкин:



Ушбу келтирилган мисолда гап бир хил структурага таянган (яъни эга + кесим + тўлдирувчи → **S + P + O**).

<sup>23</sup> Иофик Л.Л. Структурный синтаксис английского языка. - М.1978 –С. 18.

<sup>24</sup> Косовский Б.И. Общее языкознание. – Минск. 1968. –С. 140.

<sup>25</sup> Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. - М., 1933. –С. 123-124.

Гувоҳи бўлганимиздек, бу гап структурасига мувофиқ шу йўл билан исталган феъл ва тўлдирувчи вазифасида келадиган от (ёки олмош) қўлланилиб, гап тузилиши мумкин. Албатта, бунда гапнинг семантик томони ҳам инобатга олинади.

Ушбу мисолда феъллар парадигмаси (*bought, drew, took*) ва отлар парадигмаси (*a hat, a picture, a pen*) мавжуд.

Синтагматик муносабат яқинликка (боғлиқликка) асосланган муносабат. Шу боис ҳам бундай муносабатда элементлар ўзаро боғланади. Синтагматик муносабатга киришган элементлар турли синфларга мансуб бўлганлиги боис, бири иккинчисини алмаштириб кела олмайди. Масалан: *Ann speaks* ва *Jack reads* гапларида атоқли от ва феъл ўзаро синтагматик муносабатда бўлади. Синтагматик планда тил шаклини танлаш унинг комбинатор имкониятлари, яъни бошқа шакл билан бирика олиш қобилиятлари билан аниқланади.

Инглиз тилида ҳозирги замонда 3-шахс бирлик феълга **–s (-es)** қўшилишини юқорида эътироф этган эдик. Аммо бошқа шахсларда инфинитивнинг *to* юкламасисиз қўлланиши қоидага мувофиқдир. Масалан: *She writes* дейиш мумкин аммо *She write* нотўғри формадир.

Ўзбек тилида эса *У ёзади* табиийдир, лекин *У ёзамиз* асло тўғри эмас. Шу жиҳатдан синтагматик муносабатда элементлар комбинатор имкониятларга таянади.

Н.Маҳмудов, А.Нурмонов фикрига кўра, муайян синтактик бирликнинг бошқа синтактик бирлик билан кетма-кет муносабати синтагматик муносабатни ҳосил қилади.

Маълумки, тил бирликларининг предикативлик ҳодисасини ўзида акс эттириш шу бирликларнинг нутқда реал қўлланилиши ҳамда воқеликка муносабат билдириши билан узвий боғлиқ. Аммо шуни ҳам эсда тутиш лозимки, агар тил элементлари нутқда мақсадсиз, кетма-кет қўлланилиб борса, унда улар ҳеч қандай предикативлик белгисига эга бўлмайди. Масалан, гапирмоқ, айтмоқ, тез-тез, аста-секин, мен, сен, у, она, опа каби.

Предикативликни ифода этиш учун келтирилган жумла, сўз бирикмаси бирор хабар маъносига эга бўлиши тингловчига нисбатан бирор реал муносабатлар ифодалаши лозим.

*I went to the market yesterday.*

*Мен кеча бозорга бордим.*

Демак, тўғри чизиқ бўйлаб жойлашган тил бирликлари семантик маъно касб этиши лозим. Ана шундагина синтагматик муносабат предикативлик ифода этишига шубҳа қолмайди.

### 1.3. Иерархик муносабат

Тил элементлари ўртасида бўладиган яна бир муҳим муносабат бу иерархик муносабатдир. Иерархик муносабат юқорида айтиб ўтилган парадигматик ва синтагматик муносабатлардан ҳоли равишда юзага келади.

Иерархик муносабатда тил бирликлари ўзидан каттароқ бирлик сатҳида поғонама-поғона намоён бўлади. Бу муносабат В.М.Солнцев таъкидлаганидек, тилдаги турли мураккабликка эга бўлган бирликлар муносабати.<sup>26</sup> Иерархик муносабат поғонавийлик асосда тил бирликларининг ўзидан катта сатҳ бирлик сафида намоён бўлишини ифода этади. Бу жиҳатдан иерархик муносабатни поғонали муносабат деб аташ мумкин.

Поғонали муносабат тушунчаси ва тил сатҳларининг воқеланиши уларнинг лингвистик табиати билан чамбарчас боғлиқ. Тил ўз сатҳига эга бўлганидек, нутқ ҳам ўзининг сатҳларини ташкил этади.

Тил сатҳларининг иерархиклиги интегратив ёки конститутив муносабат сифатида тушунилади, баъзан эса бу муносабат бўлинувчи муносабат деб қабул қилинади, интегративлик деганда, масалан сўз сатҳини морфема сатҳига нисбатан каттароқ деб қарасак, сўз таркибига морфеманинг кириши тушунилади, аммо бўлинувчи деганда, сўзнинг морфемаларга ажралиши назарда тутилади.

Маълумки, тил бирликлари ўзига хос хусусиятга эга улар бир-бирисиз яшай олмайди. Тил бирликлари, албатта, бири-иккинчисини тақозо этади. Масалан, тилнинг маъноли бирлиги сўз ясалиши учун энг фаол бирлик фонема ўзига хос ўринни эгаллайди. Исталган сўз морфемалардан ташкил топади. Морфема ҳам фонемалардан тузилган бўлади. Шуни ҳам эсда тутиш керакки, ҳар бир тил бирлиги ўзидан бир поғона катта бирлик таркибида намоён бўлиш имконига эга.

Иерархик муносабатда тилдаги кичик сатҳ каттароқ сатҳни ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Тилдаги ҳар бир сатҳ бирликлари ўз хусусиятига эга. Шуннинг учун ҳам уларнинг бирини-иккинчиси ўрнида ишлатиш мумкин эмас.

Ҳапни сўзлар ташкил этганидек, сўзни морфемалар ташкил этади, морфемани эса фонема иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, тил бирликларининг кетма-кетлик асосда поғонали муносабати иерархияни юзага келтиради. Тилда иерархик муносабат қуйидаги схема асосда кўрсатилиш мумкин.

**Фонема → морфема → сўз**

Морфема ичида фонема ўз мақомини олганидек, морфема ҳам сўз сатҳида морфемалик мақомига эга бўлади.

Иерархик муносабат тил бирликлар ўртасидаги муҳим алоқалардан бири.

---

<sup>26</sup> Солнцев В.М. Курс общей лингвистики. - М., 1933. –С. 81.

Шундай экан, тилдаги иерархикликни тадқиқ этиш муҳим вазифа бўлиб қолади.

## II. Боб. Предикативлик ҳодисаси ва унинг лингвистик талқини

Тилшунослик соҳасида предикативлик борасида кўп йиллар мобайнида баҳсли мунозаралар қилиб келинмоқда. Кўплаб тилшунослар предикативликни асосий ва энг муҳим синтактик категория сифатида баҳоланганлар. Лекин бу фикр билан қўшилиш жуда қийин.

Предикативлик ҳодисасини тавсифлашда, дастлаб **предикативлик** атамасига эътиборни қаратсак. Кўпчилик лингвистик луғатларда «**предикат**» латинча praedicatum – кесим маъносини ифода этишининг гувоҳи бўламиз.

Шу ўринда олимларнинг фикр – мулоҳазаларини келтириш жоиздир. «Предикативлик –бу синтактик муносабатнинг энг муҳим ва энг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Предикатив билан боғлиқ бўлган гап бўлаклари – гапнинг бош бўлаклари, деб юритилади»<sup>27</sup> деган фикрни айтиб ўтади И.И.Мещанинов.

Б.И.Косовский таъбири билан айтганда, предикативлик **предикат** сўзи билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олиб, у-кесим тушунчасини ифода этади.

И.Мещанинов фикрича, барча тилларнинг гап қурилишида кесим энг муҳим ўринни эгаллайди, ҳамда синтактик конструкцияларда предикативлик муносабатлари деярли кесим орқали англашилганининг шохиди бўламиз.

Бироқ бу соҳада олимлар фикрлари муштарак ҳолда намоён бўлмайди. Рус олими В.З.Панфилов ўзгача нуқтаи назар билан предикативликка таъриф берар экан, шундай дейди: «Кесимликдан ёки кесимдан фарқли ўлароқ синтактик эмас, балки логик-грамматик категория бўлган предикативлик кесим тушунчаси билан алоқадор бўлмаганидек, бошқа гап бўлаклари билан ҳам ҳеч қандай боғлиқлик касб этмайди. Агар эга-логик субъектни ифодаласа, кесим мантиқан предикат бўла олса, яъни гапнинг актуал ҳамда синтактик бўлаклари ўртасидаги тафовутни унутсаккина кесимлик ва предикативлик бир-бирига мос келиши мумкин»<sup>28</sup>

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан бир хулосага келиб бўлмайди, албатта. Табиийки, фикрлар хилма-хил бўлади. Тўғри, предикативлик предикат сўзидан келиб чиққанини ҳисобга олсак, кесимлик предикативликнинг айнан бошқа сўз билан ифодаланиши деган хулосага келиш мумкин.

Бироқ предикативлик тушунчаси бошқа бир томондан, яъни унга воқеликка бўлган муносабат сифатида ёндашсак, кесимлик – бу предикативлик деган фикрдан воз кечиш табиий.

---

<sup>27</sup> Мещанинов И.И. Структура предложения. – М. 1963, -С. 56.

<sup>28</sup> Панфилов В.З, Грамматика и логика. М.-Л 1963, -С. 45.

Фикр тасдиғини қуйидаги мисолда кўриш мумкин.

«Here! Where do you up?»

(J.K.Jerome “Three Men in a Boat p 27”)

Юқорида келтирилган мисолда, яқка тарзда берилган Here! (бу ёққа, бу ерга) равиш сўз туркумига оид бўлиб, сўзловчи шахснинг тингловчига нисбатан таъкидлаб айтилган ундов ифодасидир. И.Мещанинов фикрича, от категориясига оид бир сўздан ташкил топган гапларда предикат тушунчаси интонация ёрдамида англашилади.

Бу борада олимнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга юзлансак:

-«Ёлғон, ёлғон!» (Ойбек «Қутлуғ қон» 178 -б)

Келтирилган мисолда икки карра такрорланган мавҳум от ёлғон сўзи сўзловчининг муайян бир ҳолатга, аниқроғи воқеликка нисбатан муносабатини ифодаламакда.

Тилшунос олим Г.Пауль худди шунга ўхшаш мисолни ўзининг «Принципы истории языка» (153-б) китобида кўрсатиб ўтади. У рус тилидаги Пожар! Мисолини келтиради. Унинг фикрича, юқоридаги сингари гаплар тингловчи ва сўзловчи томонидан турли хил қабул қилинади.

Г.Пауль буни шундай изоҳлайди: «Ёнғин бўлаётган бинони кўриб турган киши Ёнғин! дея қичқирса, унда ўша вазият эга вазифасида келади, бунга қарама-қарши равишда, ким Ёнғин! сўзини эшитиб, лекин ҳали ёнғинни кўришга улгурмаган бўлса, унда ёнғин тушунчаси эга вазифасида, ўша вазият эса кесим вазифасида кўзга ташланади.»<sup>29</sup>.

Бу каби мисоллар ҳажмини кенгайтириб, таҳлилни давом эттириш мумкин. Бундай мисолларни нафақат бадий асарлар, балки кундалик турмуш тарзида оғзаки нутқда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Албатта, олимлар фикридан бир хулосага, келиш қийин. Фикрлар хилма-хиллиги тилшунослик соҳасида ўз аксини топади. Кўпчилик олимлар предикативлик шаклланиши учун асосий омил сифатида замон, шахс-сон, майл каби феълнинг грамматик категорияларини энг муҳим омил даражасига қўядилар. Аммо бу билан қўшилиш жуда қийин. Агар предикативликни фақат феълга хос хусусият деб айтадиган бўлсак, унда юқорида келтириб ўтилган мисолларимизни тамоман инкор этган бўламиз. Бу борада эса, тилшунос Ю.С.Степанов фикрига назар солиш керак. Унинг нуқтаи назари билан айтганда, «**предикативлик**» фақатгина феъл ва замон тушунчалари билан ўралашиб қолмайди. Предикативлик – феълга хос хусусиятлардан ҳоли равишда ҳам юзага келаверади.<sup>30</sup>

<sup>29</sup> Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. - М.-Л 1945. –С.7.

<sup>30</sup> Пауль Принципы истории языка. - М.1960 .-С.153.

Предикативлик муносабатининг энг муҳим хусусияти тўғрисида Б.И.Косовский шундай дейди: “Бошқа муносабатлардан фаркли ўлароқ предикативлик нутқ фурсатида вужудга келади. Масалан: Выдался ясный день ва День сегодня ясный. Иккинчи ҳолатда **день** ва **ясный** сўзлари предикатив муносабат ёрдамида боғланган. Улардан **ясный** сўзи биринчи сўз орқали ифодаланган тушунча белгисини ўзида мужассам этади. Бу белги айнан берилган матндаги тушунча, яъни гапни талаффуз этиш жараёни билан узвий боғлиқ”.<sup>31</sup>

Бунга қўшимча равишда Б.И.Косовский шуни ҳам таъкидлайдики, предикативлик муносабати тилнинг муайян грамматик воситаларида ўзининг формал ифодасини намоён этади ҳамда бу восита ёрдамида предикативлик категорияси мазмунини ташкил этувчи пайт ва ҳаракат муносабатлари ифодаланади<sup>32</sup>.

Тилшунос олимларнинг аксарият қисми кўпгина тилларда предикативликни ифодаловчи махсус грамматик формалар мавжудлигини таъкидлайдилар.

Рус тилшунос олимларидан А.А.Потебня фикрича, феъл формалари гапнинг ажралмас белгисидир<sup>33</sup>.

А.А.Бокарев таъкидича, баъзи Хинд-Европа оиласидан бўлмаган тилларда эга ва кесим муносабати сонда мослашувидан ташқари бошқа махсус кўрсаткичлар ёрдамида ҳам намоён бўлади, масалан, авар тизимида кесимнинг сони ва туркуми (тур, класс) қандай ўзгарса, эга ҳам худди шундай ўзгаради<sup>34</sup>.

Фақат битта бош бўлакдан иборат гаплар хусусида тилшунослар узоқ йиллардан буён баҳс олиб борадилар. Бундай гаплар бир составли гаплар деб баҳоланади.

Рус тилидаги *Смеркается-Смеркалось, Рассвело-Весной* в это время уже давно бы рассвело каби замон ва майлни ифода этувчи ўзига хос шахсиз гапларда предикативлик формал ҳолатда намоён бўлади.<sup>35</sup>

Предикативлик билан бир қаторда модаллик хусусида турли-туман фикрларни илгари сурадилар. Олимлар бир-бирига мутлақо қарама-қарши фикрларни таклиф этадилар. В.З.Панфилов фикрига биноан, модаллик гапнинг мазмун томони билан бирга уни бутунлилигича ифода этиб, предикативлик билан бевосита алоқадор ҳисобланади.<sup>36</sup>

«Предикативлик ва модаллик тушунчаларини бир-бирига ўхшаши бизнингча ноўриндир»<sup>37</sup>, - дейди Б.И.Косовский.

<sup>31</sup> Косовский. Б.И.Общее языкознание. - М 1968.-С. 206.

<sup>32</sup> Косовский Б.И. Общее языкознание. - М 1968. —С. 208..

<sup>33</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. - М,1958, -С. 83-84.

<sup>34</sup> Бокарев А.А. Синтаксис аварского языка. М - Л, 1949, -С. 14-15.

<sup>35</sup> Кузнецов П.С.О принципах изучения грамматики. - М.1961й -С. 71.

<sup>36</sup> Панфилов В.А. Грамматика и логика. М-Л 1963 й - С. 52.

<sup>37</sup> Косовский Б.И.Курсатилган асар - Б. 210.

О.С.Ахманова таърифи бўйича, модаллик сўзловчининг воқеликка муносабати ва ўша воқеликнинг ҳақиқатга яқинлиги. Бундай муносабатнинг юзага келишида турли грамматик ва лексик воситалар бўлган феъл майли, модал феъллари, интонация ёрдамида юзага келади.<sup>38</sup>

Гапларни тадқиқ этиш жараёнида баъзи тилшунослар тил ва нутқ аспектларини фарқлаш лозимлигини таъкидлайдилар. Масалан, Америкалик тилшунос Алан Гардинер ўзининг «Нутқ ва тил ўртасидаги тафовут» асарида тил таркибига лексика ҳамда гап қурилишида хизмат қилувчи грамматик схемаларни киритади, аммо фикр ифода этиш нутқни ташкил этишини таъкидлайди.<sup>39</sup>

Баъзи тилшунослар гап ва фикрни бир-биридан ажратишни маъқул кўрадилар. Б.Н.Головин гапни грамматик конструкция деб олади ва уни **эга + кесим + воситасиз тулдирувчи** шаклидаги схемада изоҳлаб, уни аниқ бир тўлдирилган, мукаммал маъно дея ифодалайди.

Унинг таърифича, гапдан фарқли ўларок фикр ясаиш имконига эга эмас, чунки аллақачон грамматик конструкциялар билан уйғунлашган муайян сўзлар бунга тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, Б.Н.Головин хулосаси билан фикр бу-гапнинг нутқ вариантларидан биридир.<sup>40</sup>

Предикативлик борасида кўп тилшунослар тадқиқот олиб борадилар. В.В.Виноградов предикативлик ҳодисасини гап мазмунининг воқеликка муносабати деб баҳолайди. Предикативликнинг реал намоён бўлишида фақатгина оҳанг эмас, балки грамматик категориялар бўлган шахс, замон ҳамда модаллик белгиси ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.<sup>41</sup>

В.В.Виноградов фикрича, предикативлик фақат гапга хос бўлган ҳодисадир. Олим гапдан бошқа тил бирликлари предикативликни изоҳлай олишига шубҳа билан қарайди.

Бундай фикрни маъқуллаш бизнингча анча мушкул. Чунки гапдан бошқа тил бирликлари, жумладан сўз бирикмаси ҳам предикативликни ўзида намоён эта олади. Бу хусусда қуйида айтиб ўтамыз.

Юқорида биз предикативлик ҳодисасининг ифодаланишида модаллик тушунчасининг тутган ўрни хусусда эслатиб ўтган эдик. Модаллик тўғрисида Ш.Балли

---

<sup>38</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М, 1966. -С.237.

<sup>39</sup> Гардинер А. «Тил ва нутқ» уртасидаги тафовут. -М, 1960, -С. 15.

<sup>40</sup> Головин Б.Н. Введение в языкознание. -М, 1966. –С. 201.

<sup>41</sup> Виноградов В.В. Избранные труды. Исследование по русской грамматике. -М. 1975. -С. 265.

шундай дейди: «Модаллик фикр каби сўзловчи томонидан вужудга келтирилади ва у гапнинг жонидир».<sup>42</sup>

Ш.Балли фикрини тасдиқлаб, тилшунос Х.Хайруллаев модаллик гапда сўзловчи томонидан шакллантирилади деган фикрни айтадилар. Х.Хайруллаевнинг таъкидлашича, модал феъллар ва модал сўзларнинг йўриғи бошқа. Аммо бундай сўзлар ўз-ўзича модаллик ифодаласа-да, предикативлик ифодалай олмайди.<sup>43</sup>

Рус тилшуноси В.Г.Адмани предикативлик ҳодисасини субъект ва предикат ўртасидаги фаол динамик муносабатда кўзга ташланишини билдиради ва гап шаклланишида бу муносабат энг зарурий шартлардан бири дейди.<sup>44</sup>

А.А.Шахматов эса предикатив ифодаланишида оҳангнинг аҳамияти катта эканлигини айтиб ўтади. Унинг айтишича предикативлик ифодаланадиган гапларда фикр тугаллиги, субъект яхлитлиги бўлиши керак.<sup>45</sup>

М.И.Стеблин –Каменский ўзининг «Спорное в языкознании» асарида куйидагича фикрни кўришимиз мумкин:

«Предикативлик ёки предикатив муносабат-бу мазмуний эътиборига биноан мантикда субъект ва предикат ўртасидаги муносабатнинг айнан ўзидир».<sup>46</sup>

М.И.Стеблин –Каменскийнинг предикативлик хусусидаги фикрларида ҳам талай ғализликлар борлигини кўрамиз деб фикр билдирар экан, тилшунос Х.Хайруллаев ўз фикрини шундай давом эттиради: «Биринчидан, бунда предикативлик тушунчаси кесимлик тушунчаси билан тенглаштирилиб, грамматик қонун-қоидалар мантик қоидалари билан қориштирилиб юборилади.

Иккинчидан, предикативлик тушунчаси кесимсиз гапларга ҳам тааллуқли эканлиги кун тартибига қўйилмайди ва предикативлик субъект ва предикат ўртасидаги муносабатни тақозо этади, деган мантиқий ҳукм учун ҳарактерли бўлмаган қарорга келади».<sup>47</sup>

Предикативлик ҳодисасини вужудга келтирувчи асосий омил модаллик эканлиги Т.И.Дешериева томонидан шундай таъкидланади:

---

<sup>42</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. - М. 1955. –С. 44.

<sup>43</sup> Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. - Самарканд. Сам.ДЧТИ -2002

<sup>44</sup> Адмони В.Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. - М.1995. -С. 98.

<sup>45</sup> Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. - Л, 1941. –С. 37.

<sup>46</sup> Стеблин .– Каменский М.И «Спорное в языкознании», 1974. –С. 41-42.

<sup>47</sup> Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари – Б. 8.

«Модаллик предикативликни юзага чиқарувчи асосий воситадир. У предикативликнинг ажралмас бир қисми хисобланади»<sup>48</sup> Нафақат модаллик балки предикативлик ифодавловчи воситалардан оҳанг хусусида ҳам Т.И.Дешериева фикр билдириб ўтади. Тилшунос оҳанг гапнинг актуал бўлакларга ажралиши муаммоси доирасида таҳлил қилади.

Предикативлик муаммоси И.П.Распопов таъкидлашича, энг муҳим синтактик муаммолардан бири бўлиб, гап тушунчаси билан алоқадордир ва гап ҳамда тилдаги бошқа маъноли бирликлар бўлган сўз бирикмаси ва алоҳида сўзлар ўртасидаги структур-семантик чегарасини кўрсатади.<sup>49</sup>

Предикативлик ва модаллик ўзаро чамбарчас боғланган ҳодисадир деб таъкидлайди бир гуруҳ тилшунослар.<sup>50</sup>

Гапни гап қилиб турган энг асосий белги модаллик деб таъкидлайди, А.Б.Шапиро. Унинг фикрича, модаллик предикативликка нисбатан жуда кенг тушунча.<sup>51</sup>

Е.И.Куркина таъкидича, модаллик предикативликнинг узвий бир қисмидир.<sup>52</sup>

Н.Е.Петров модаллик ва предикативликнинг маълум чегарасини белгилаш учун предикативликни логик-синтактик категория сифатида тил сатҳи бирлиги, модалликни эса коммуникатив-синтактик категория сифатида нутқ сатҳи бирлиги тарзида қараш лозим, дейди.<sup>53</sup>

Модаллик ва предикативликни фарқлаш хусусида бир гуруҳ тилшунослар шундай дейдилар. Семантик планда модаллик категорияси учун бирлаштирувчи белги вазифасини бажарувчи субъективлик предикативлик категорияси билан модаллик категорияси ўртасида фарқловчи белги вазифасини ўташи мумкин.

Тилшуносликда предикативликка бир хил таъриф берилмаслигига сабаб ҳозиргача кўп тилшуносларни ўйлантириб келаётган предикативлик таълимоти манбаси, яъни субъект ва предикат тушунчалари мантикда ўрганилаётганлигидир. Баъзилар предикативлик ҳар бир гапда борлигини таъкидлайди, баъзи гапларда феъл формалари иштирок этмаса-да, улар предикатни ифодалайди ҳамда гап ёки фикрда предикатнинг

---

<sup>48</sup> Дешериева Т.И. О соотношении модальности и предикативности Вопросы языкознания, №1, 1987 –С. 40.

<sup>49</sup> Распопов И.П. Проблема предикативности в лингвистической литературе. Уч.зап.БГУ, сер. Филолог науки, вып 8, №2, Уфа, 1961

<sup>50</sup> Нурматов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Салихужаева С.. Узбек тилининг мазмуний синтаксиси. ГПУ.РФА. Ф, 1992 . -Б. 85.

<sup>51</sup> Шапиро А.Б. Модальность и предикативность как признаки предложения в современном русском языке// Филология наука, 1958, №4.

<sup>52</sup> Куркина Е.И. Наклонения глагола в якутском языке. - М.1970, -С. 24.

<sup>53</sup> Петров Н.Е. О содержании и объеме языковой модальности. - Новосибирск, 1982, -Б. 8.

яширин маъноси сезилиб туради, деган фикр айтиб ўтилади, Л.Л.Иофик нашри остида тайёрланган “Структурный синтаксис английского языка” китобида.<sup>54</sup>

Бундай фикр билан қўшилиш мумкин. Бунга изоҳ маъносида юқорида биз баъзи гапларни келтириб ўтдик.

Аммо М.И.Стеблин –Каменский бундай қарашга қарши чиқади.

Унинг фикрича, бир бош бўлакли гаплар ёки ундов гаплар жумладан:

«Пожар», «Гроза», «Боже мой» кабилар кесим формасига эга эмас. Стеблин-Каменский гапларни икки хил классификацияга ажратади: предикатив ва нопредикатив.

Л.Л.Иофик предикативликнинг формал-логик тушунчаси остида субъекти бўлмаган предикативлик муносабатининг фақат иккинчи қисмини ўз ичига олган императив гапларни бу категорияга киритмайди.<sup>55</sup>

Л.Л.Иофик таъбирича, предикативлик ҳар доим ҳам гапнинг ажралиб турувчи белгиларига эга бўлавермайди. Бу категория синтактик боғланишли предикативли бирикма ёки бирлик йиғиқ ҳолатда, худди иккиламчи-предикатив бирлик алоҳида гап бўлаги бўлиб келгандек ҳарактерланади, дея қўшимча қилади, -Л.Л.Иофик.<sup>56</sup> В.В.Виноградов предикативлик категориясига ёндашар экан, гапни яхлит тузадиган, воқеликка билдирилган хабар ифодаси ва у ўзидан кенгроқ тушунча модаллик билан алоқадордир, деган фикрни билдиради.<sup>57</sup> В.В.Виноградов таъкидлашича, гапларнинг предикативликни ифодаладиган нопредикатив тури ҳам бор. Бундай гаплар интонация орқали ифода этилади. Бу қарашга қўшилиш бироз қийин.

Негаки, интонация орқали ифодаланадиган гаплар ҳам предикативликни ифода эта олади. Мисол учун: «**Жиноят!**» - деди муҳаррир. (А.Каҳҳор. Сароб 76-б).

Ушбу гапдаги жиноят, сўзи яқка ҳолда ҳеч қандай ёрдамчи воситаларсиз оҳанг ёрдамида қўлланилмоқда. Бу турдаги гапларга оҳанг воситасида предикативлик сезилиб туради. «**Жиноят!**» сўзи даставвал хис-ҳаяжон билан ифодаланган сўз ёрдамида қандайдир *Жиноят* изоҳ этилмоқда ҳамда “Бу жиноят” маъноси англашилиб турибди. Агар **Бу жиноят** тарзида гапни ифодаласак, унда оҳанг билан баён этилган «**Жиноят**» сўзининг айнан ўзи предикативликка мойил эканлигига шак-шубҳа қолмайди.

Предикативликни ифода этишда тилшунослар кўпроқ гапга эътибор қаратадилар. Шунинг учун ҳам кўпгина адабиётларда предикативли гаплар деган фикрга дуч келамиз. Масалан: профессор Л.Л.Иофик бошчилигидаги нашр остида тузилган «Структурный

<sup>54</sup> Иофик Л.Л. Структурный синтаксис английского языка. 1972. – Б.5.

<sup>55</sup> Иофик Л.Л. Структурный синтаксис английского языка. - М. 1972. –С. 5.

<sup>56</sup> Иофик Л.Л. Курсатилган асар – Б. 6.

<sup>57</sup> Виноградов В.В. Основы принципы синтаксиса в «Грамматика русского языка». Известия АН СССР, ОЛЯ, т XIII, вып 6, 1954 й - С. 502.

синтаксис английского языка» тўплам китобида ана шундай ҳолатга дуч келамиз. Ушбу асарда шундай дейилади: “Предикативлик категорияси марказида фақатгина эга ва кесим ўртасидаги предикативли боғланиш эмас, балки гапнинг структур асосида эгаси тушириб қолдирилган ҳолатда ҳам хизмат қилувчи предикативли формалар туради. Предикативли гаплар ўз навбатида гапдаги предикатив йўл билан боғланган бирикмалар ёки формалар сонига икки структур турга ажратилади: **монопредикатив** ва **полпредикатив** гаплар.<sup>58</sup>

Замонавий инглиз тилини тадқиқ этувчилар орасида **монопредикатив** ва **полпредикатив** (яъни бир предикативли ва кўп предикативли) гапни таҳлил қилишда бир тўхтамга келинмаган. Ҳозиргача императив (буйруқ - илтимос майли) гаплар предикативликни ифодалай олиши ёки ифода эта олмаслиги борасидаги фикрлар муштараклиги йўқ. Чет эл тилшунослари О.Есперсон, Э.Керм ва замонавий дескриптивчилар ҳамда баъзи собиқ иттифок тадқиқодчилари императив гапларни тўлиқсиз гап деб тушунадилар.

Инглиз тилидаги императив гапларни **you** (сен, сиз) ва кесим иштирокидаги (келаси замон иш ҳаракатини ифодаловчи) нутқ сўзловчининг ўз ҳамсуҳбатидан ҳали бажарилмаган иш ҳаракатини таҳлил қилиш (баъзан бирор вазифани юклаши, буюриши) ни изоҳлайдиган гаплар дея баҳо берадилар. Юқоридаги тилшунослар қуйидаги мисолни келтириб ўртадилар:

**Do it,**

Буни трансформация йўли билан изоҳлайдилар.

Бундай гапларни изоҳлашда ўзлик олмоши *yourself* (ўзинг, ўзингиз) қўлланиши мумкин. Бу ҳолатда гап мазмуни янада равшан бўлади.

«Предикативлик категориясининг алоҳида маъно касб этувчи махсус структур гап сифатидаги полипредикатив гаплар бир коммуникатив бирлик таркибида икки ва ундан ортиқ предикативли бирикмаларни ўзида намоён этади,- дейди Л.Л.Иофик»<sup>59</sup>

Л.Л.Иофик фикрича, предикативли ва предикативсиз гаплардан ташқари яна бир структур гап борки, у аралаш турдаги гап деб аталиши мумкин. Бундай гапларда мустақил предикатив бўлмаган компонентлар предикатив бирикмалар билан қўшилиб келади. Бундай конструкция таркибида парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг синтактик бирликлари ўрганилади.

Предикативлик ҳодисаси кенг доирада ўрганилишини ҳисобга олиб, шунга айтиш мумкинки, предикативлик фақат гапга нисбатан эмас, балки сўз бирикмаси ва ҳаттоки сўзга нисбатан ҳам ўрганилиш имкониятига эга.

<sup>58</sup> Иофик.Л.Л. Структурный синтаксис английского языка. - М. 1972. –С. 6-7.

<sup>59</sup> Иофик.Л.Л. Структурный синтаксис английского языка. - М. 1972. –С. 122.

Негаки, предикативлик тил нутқда реаллашган жараёнда исталган ҳолатда ёки воқеликка нисбатан муносабат ифода этилар экан, предикативлик юзага келиши мумкин. Бунда, албатта сўз, морфема, каби тил бирликлари ҳам иштирок этадилар. Уларнинг муносабатлари хусусида қуйида танишиб чиқамиз.

## **2.1. Сўз ва сўз бирикмасининг предикативликка муносабати**

Предикативлик ҳодисасини талқин этиш кўп йиллардан бери тилшуносликда ўз аксини топиб келмоқда. Аммо бу борада умумий фикр ҳанузгача учрамайди, яъни тилшунослар ўз нуқтаи назарлари орқали ёндашар эканлар, предикативликка турлича баҳо берадилар. Ана шунинг натижасида предикативлик таърифи яхлит бир қондани ўзида намоён эта олмайди.

Маълумки, тилшунослик ривожланишида унга бошқа фанларнинг таъсири бўлиши табиийдир. Тилшуносликнинг мантиқ (логика) фани билан муносабати унинг ҳар бир соҳасида кўзга ташланади. Масалан, гап бўлакларининг номланиши ҳам тилшунос олимлар таъкидлагандек, мантиқий тушунчаларга таянилган ҳолда юзага келган. Субъект ва предикат (эга ва кесим) тушунчалари хоҳлаймизми, йўқми анъанавий тилшуносликда кенг қўлланилган терминлар сафига кириб қолган.

Албатта, бундай терминлар кўпчилик ҳолларда гап хусусиятини очишга ёрдам беради. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай терминлар ҳар доим ҳам гапни ифода этмаслиги мумкин. Жумладан, предикативлик термини ёлғиз содда гапнинг ёхуд қўшма гапнинг таркибида намоён бўла олади, дейиш чалкашликка олиб келади.

Предикативлик кенг қамровли тушунча, у нафақат гап, балки сўз бирикмасида, ваҳоланки сўзда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Баъзи олимлар предикативлик фақат гапга хос бўлган ҳодиса деб таъкидлайдилар. Жумладан В.В.Виноградов грамматик эга ва грамматик кесимни мантиқий субъект ҳамда мантиқий кесимдан фарқлаш лозим, грамматикани мантиқ билан аралашиб кетишга йўл қўймаслик кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, предикативлик гап мазмунининг воқеликка муносабатини ифодалайди.<sup>60</sup>

Т.П.Ломтев нуқтаи назари билан айтганда, предикативлик ҳар қандай жумланинг яхлит мантиқий хусусиятини ифода этади.<sup>61</sup>

Ф.И.Буслаев фикрича, мантиқий жиҳатдан иккинчи даражали бўлаклар бош бўлаклардан ажралмас ҳолда намоён бўлади, ҳамда улар билан яхлит кўринишда мантиқий эга ва мантиқий кесимни ташкил этади.<sup>62</sup>

---

<sup>60</sup> Виноградов В.В. Избранные труды, Исследования по русской грамматике., - М, 1975 –С. 263-267.

<sup>61</sup> Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М., 1972, -С.27

<sup>62</sup> Буслаев Ф.И.Историческая грамматика. – М., 1981, -С. 126.

Х.Хайруллаев предикативликка ёндашишда уни фақат гап тушунчаси билан боғлиқ эмаслигини, балки сўз бирикмаси доирасида ҳам ҳатто алоҳида олинган мустақил сўз доирасида ҳам предикативлик ифодаланиши мумкинлигини таъкидлайди.<sup>63</sup>

Бизнингча ҳам, предикативликни фақат гап доирасида ифодаланади деб тушуниш чалкаш фикрга олиб келади.

Негаки предикативлик мустақил сўз ҳамда сўз бирикмаси доирасида ҳам учрайди. Бунни биз қуйида кўриб чиқамиз.

## 2.2. Сўз ва унинг предикативликка муносабати

Маълумки тил мавҳум ҳодисалардан биридир. Ана шу мавҳумликни реал ифодалашда нутқ алоқа воситаси сифатида яққол намоён бўлади. Тилда муайян бирликлар бўлиб, улар “тил бирлиги” тушунчаси орқали умумлаштирилади.

Тил бирликларидан бири бўлган сўз алоҳида эътиборга лойиқдир. У тил бирликлари орасида энг муҳим бирлик сифатида луғат бойлигимизнинг асосий хом ашёсини ташкил этади. Сўз борасида жуда кўп таърифлар учрайди. Кўпчилик олимлар сўзни муҳим категория сифатида баҳолаганлар.

“Сўз – икки томонлама тил бирлиги. У маълум маънони ифодалаши билан бирга, синтактик мустақилликка ҳам эга”, - дейди В.М.Солнцев.<sup>64</sup>

В.М.Солнцев ёндашувидан кўриниб турибдики, сўз ўзининг ифодаловчи ва ифодаланувчи томонларига эгадир. Аммо унинг бу жиҳатлари у нутқда реал қўллаНИльсагина, ўз аксини топади. Фикр исботи учун исталган сўзни кўрсатиш мумкин. Масалан, **қурувчи** сўзига аҳамият берсак. Ушбу сўз морфологик хусусиятига биноан от сўз туркумига қарашлидир. У касб отини ифода этувчи номинатив белгига эга бирликдир. “Қурувчи” сўзининг маъноси “бино ёки иморат қурадиган, барпо этадиган киши мазмунига эга, яъни бино қурадиган киши – қурувчи. “Қурувчи” сўзи қурмоқ, барпо этмоқ феъллари билан алоқадор.

Берилган сўзда маъно ифодаси аниқ бир йўналишга эга эмаслигини ҳисобга олсак, мазкур сўзда ифода этилаётган предикат мавҳум ифодали, ҳамда у конкрет предикацияни ўзида намоён эта олмайди. Бундай ифодадаги предикатни Е.С. Кубрякова ички предикат деб номлайди.<sup>65</sup>

Бу фикрга қўшилиш мумкин.

Негаки, юқоридаги каби сўзларда реал предикативлик ифодаланмайди, балки нореал абстракт, ички предикативлик муносабатининг белгиси кузатилади.

<sup>63</sup> Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. Самарқанд: СамДЧТИ – 2002. -Б. 23.

<sup>64</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1977 –С. 33.

<sup>65</sup> Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М., 1986. –С. 119.

Мустақил сўз предикативликни ўзида намоён этиш учун унинг ички мазмунида воқеликка бевосита муносабат ифодаси кузатилиши даркор. Шу ўринда мустақил сўзнинг қўлланилиш ўрни катта аҳамиятга эга.

В.В.Виноградов предикативлик ҳодисасининг вужудга келишида интонациянинг муҳим аҳамияти борлигини алоҳида таъкидлайди ва шу билан бирга, интонация гапнинг мазмуний, шаклий ва грамматик тузилишига алоқадор эмаслигини, аммо сўз ёки гап доирасидан ташқарида мавжуд бўла олмаслигини айтиб ўтди.<sup>66</sup>

Албатта, интонация гапнинг грамматик қурилиши учун аҳамият касб этмаса ҳам, унинг грамматик жиҳатдан гап бўлиб шаклланишида муҳим факторлар сирасига киради. Шунга кўра, В.В.Виноградовнинг юқоридаги фикри мутлақо аҳамиятли. Бундай фикр бир сўзли гапларда, айниқса ўз исботини топади. Жумладан, Қиш. Совук. Изғирин каби бир сўзли гапларда интонация орқали англашилаётган предикативлик мустақил сўзда ҳам ўз аксини топмоқда.

Тилшунослар Н.Турниёзов ва Х.Хайруллаев мулоҳазалари билан айтганда, мазкур лексик унсурлар оҳанг таъсирида гап даражасига кўтарилмоқда.<sup>67</sup>

Предикативлик ҳодисаси хусусида А.И.Смирницкий фикр ва мулоҳазаларни эслатиб ўтиш жоиз. А.И.Смирницкий предикативлик ҳодисасини қуйидаги мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилди:

1. Лондон – шу ном билан аталувчи шаҳарни билдирувчи алоҳида сўз.
2. Лондон – асар учун қўйилган ном.
3. Лондон – шаҳар харитасини устидан ёзиб қўйилган сўз
4. Бу – Лондон.<sup>68</sup>

Юқорида берилган мисолларни таҳлил қилсак. Биринчи мисолда якка сўз Лондон географик ном сифатида қўлланилмоқда. Иккинчи мисолда маълум асарга қўйилган ном албатта, аниқ мақсад ифодаси орқали англашилади. Ҳар бир асар бирор муайян мақсад ёрдамида номланади. Аммо шундай бўлса-да, биринчи ва иккинчи мисолларда предикативлик хусусияти (белгиси) бор деб айтиб бўлмайди.

Учинчи ва тўртинчи мисоллар орасида бироз яқинлик сезилиши мумкин. Негаки, харитада кўрсатилган Лондон сўзи, маълум давлатни таъкидлаб, уни мана шу Лондон деган белги ёрдамида равшанлашмоқда.

Албатта, бу мисолда предикативлик белгилари мавҳумроқ, аммо энг сўнгги тўртинчи мисолда хабарнинг воқеликка муносабати нисбатан аниқ кўрсатилган, бунда

<sup>66</sup> Виноградов В.В. Избранные труды, Исследования по русской грамматике., - М, 1975 -С. 267-269.

<sup>67</sup> Турниёзов Н, Хайруллаев Х, Предикативлик ҳодисаси ҳақида // Тилшуносликнинг назарий ва Амалий масалалари. – Самарқанд, 1998, -Б. 75.

<sup>68</sup> Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М., 1957. –С.104-107.

предикативлик ҳодисаси тўлиқ ўз ифодасини топган. Шунга ўхшаш мисол қуйида ўз аксини топган :

1. Devil – асарга, китобга қўйилган ном
2. Devil – санъат асарининг тепа қисмида ёзиб қўйилган сўз
3. Devil – ундов гап
4. Devil – атов гап

Биринчи мисолда Devil (ўзбекча таржималари иблис, шайтон, малъун) бирор бир бадий асарга қўйилган ном. Бунда Н.Турниёзов таъбири билан айтганда, предикативлик белгиси борлиги ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Иккинчи мисолда ҳам худди шундай ҳолатга ўхшаш, аммо агар маълум бир санъат асари шу ном билан аталган бўлиб, унда *иблис* сурати туширилган бўлса, бу ҳолат “**Бу шайтон**” (It is a devil) маъносида қўлланилмоқда. Албатта, санъат асарининг номланилиши бадий асарга нисбатан бироз реал, ҳамда воқеликка тўғридан-тўғри муносабат ифодалаш яққол сезилиб турибди. Учинчи мисолда Devil яъни Малъун! ёки Иблис! дея бирор кишига нисбатан ғазаб билан айтилган гап. Devil! сўзининг ўрнида сўзловчи “You are devil!” (Сен иблиссан!) гапини қўллаши ҳам мумкин эди. Унинг ўрнида гапнинг қисқа формаси бир сўз билан қўлланилган. Бунда предикативлик ҳолатдан келиб чиққан тарзда оҳанг ёрдамида аниқ ифодаланмоқда.

Тўртинчи ҳолатда эса предикативлик том маънода ўз ифодасини топган.

Сўз борасида олимлар бир неча таърифлар айтишга уриндилар. Масалан, А.Н.Савченко фикрича, сўз фақат тил бирлиги бўлиб қолмай, балки нутқ бирлиги ҳамдир, яъни сўз мулоқот жараёнида энг муҳим бирлик сафидан ўрин олган.<sup>69</sup>

А.М.Пешковский таъбирича, сўз тилшунослар учун ечилмаган жумбоқдир. А.М.Пешковский тадқиқотида сўз синтактик бирлик сифатида талқин этилади. А.М.Пешковский фикрича, сўз ҳақли равишда синтактик бирликдир.<sup>70</sup>

Демак, мустақил сўзлар ҳам нутқий муҳит воситасида предикативликни ифодалаш мумкин. Шундай экан, предикативлик мустақил сўзлар доирасида ҳам тадқиқ этиш имкониятига эга. Аммо бунда нутқий муҳитни ҳисобга олиш даркор. Зеро, ҳар бир бирлик нутқда воқеланади, ҳамда унинг реал воқеликка муносабати нутқ орқалигина намоён бўлади.

### 2.3.Сўз бирикмаси ва унинг предикативликка муносабати

Сўз бирикмаси тилшуносликда энг кўп тадқиқ этилган муаммолар сирасига киради. Сўз бирикмаси борасида олиб борилган тадқиқотлардаги фикр ва қарашларда

<sup>69</sup> Савченко А.Н. Лингвистика речи // Вопросы языкознания, №3, 1986. –С. 67.

<sup>70</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. –М.: Учпедгиз, 1956, -С. 130.

муштараклик кўзга ташланмайди. Фикрлар қарама-қаршилиги тилшуносликнинг барча соҳаларида қандай бўлса, сўз бирикмаси борасида ҳам худди шундай намоён бўлади.

Сўз бирикмаси назариясига доир масалалар тадқиқи кўплаб илмий адабиётларда ўз аксини топган. Собиқ иттифоқ фанлар академияси рус тили грамматикасида сўз бирикмаси таърифига доир маълум бир хил қарашлар учрайди. Деярли кўпчилик рус олимлари сўз бирикмасини икки ва ундан кам бўлмаган мустақил маъноли сўзлардан ташкил топиб, тилдаги муайян сўз тузилиш қонуниятлари ва формалари асосида вужудга келишини ҳамда мураккаб, қисмга ажратилган тушунча “тўлиқ маъно” англатувчи бирликни ўзида акс эттиришини билдирадилар.<sup>71</sup>

Б.И.Косовский бундай фикр билан тўла қўшилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳамма вақт ҳам сўз бирикмаси бир бутун маънони англата олмаслиги мумкин.<sup>72</sup>

Дастлаб кўрсатиб ўтилган рус олимларининг фикрлари эркин ва фразеологик бирикмалар ўртасидаги тафовутга путур етказаётганлиги хусусида ҳам Б.И.Косовский кўрсатилган асарининг айнан шу саҳифасида таъкидлаб ўтади.

Л.С.Бархударов сўз бирикмасига шундай таъриф беради: “Сўз бирикмаси – бу якка ҳолда гап бўлиб кела олмайдиган, гап таркибидаги синтактик жиҳатдан боғланган бир гуруҳ ёрдамчи сўзлардан ташкил топган бирлик”.<sup>73</sup>

Сўз бирикмасини ўрганишда унинг ҳажми хусусида ҳам баҳсли мунозаралар кун тартибига қўйилган. Бир гуруҳ тилшунослар сўз бирикмаси атамасининг эитмологик маъносидан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ маъно ифодаловчи барча грамматик бирликларни сўз бирикмаси деб атаганлар. Ана шундай қарашлар рус тилшунослиги вакиллари бўлган А.В.Добиащ, А.М.Пешковский, М.Н.Петерсон ва Ф.Ф.Фортунатовлар таълимотида учрайди. “Бундай ёндашиш орқали предикативли ва предикативсиз сўз бирикмалари ўртасидаги чегара йўқолади. Предикативли сўз бирикмалари предикатив муносабат асосида юзага келган ва бундай бирикмалар бош келишикдаги мустақил от ва унинг шахсини аниқлаб келувчи феъл ёрдамида тузилади. Бундай бирикмалар гап парадигмасига биноан ўзгаради ҳамда улар сўз бирикмаси таркибига қўшила олмайди”, - дейди. Б.И.Косовский.<sup>74</sup> Баъзи ҳолларда айрим тилшуносларнинг предикатив ва нопредикатив сўз бирикмаларини бир хил тизимга киритишларининг гувоҳи бўламиз.

---

<sup>71</sup> Грамматика русского языка. АН. СССР. Т II -С.10

<sup>72</sup> Косовский Б.И.Общее языкознание. М., 1968. -С. 211

<sup>73</sup> Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966. -С. 44

<sup>74</sup> Косовский Б.И. Ўша асар – Б. 212.

Б.И.Косовский фикрича, предикатив сўз бирикмалари ўзига хос функционал хусусиятга эга бўлиб, улар гап шаклида намоён бўла олади.<sup>75</sup>

А.И.Смирницкий предикатив ва нопредикатив сўз бирикмалари ўртасидага асосий фаркни кўрсатар экан, шуни таъкидлайдики, маълум бир сўзлар ва нопредикатив сўз бирикмалари ҳам гап бўла олади.<sup>76</sup>

Н.Ю.Шведова таъбири билан айтадиган бўлсак, предикатив ва нопредикатив сўз бирикмалари ўртасидаги фарқ уч асосий ҳолатда намоён бўлади.

1. Эркин предикатив сўз бирикмаларида ҳоким сўзнинг исталган шакли тобе сўз билан кетма-кет, аниқ бир шакл орқали боғланади (ишни бажармоқ, ишни бажаряпман, ишни бажардим, ишни бажараётиб). Бунда ҳоким сўз турли шаклларда бўлишига қарамай, тобе сўз бир хил шаклда қўлланилмоқда. Предикатив муносабат координация хусусиятига эга, яъни доимо бир шаклдаги сўз муайян бир тузилишга эга бўлган сўз ёки сўзлар билан боғланади.

2. Нопредикатив сўз бирикмалари парадигмаси ҳоким сўзнинг шакл тизими билан аниқланади, предикатив сўз бирикмасининг парадигмаси эса сўз орқали намоён бўладиган синтактик замон категорияси ва объектив модалликка боғлиқ. Предикатив ва нопредикатив сўз бирикмалари бир-биридан кескин фарқ қилади.

3. Нопредикатив сўз бирикмалари ўзига хос эргашувчи муносабат орқали ҳар хил аниқликни ифодалайди. Бунда ифодаланувчи белгининг замон ва характер хусусияти кўрсатилмайди. Координация натижасида пайдо бўлган бундай аниқлик яна бир хусусиятга эга: тобе сўз билан ифодаланувчи, предикатив сўз бирикмаларидаги хусусият замон ва уни аниқлашдаги муайян бир ҳолатни ўзида намоён этади. Бошқача қилиб айтганда, координация гапга хос бўлган замон категорияси ва объектив модаллик билан биргаликда кўзга ташланади.<sup>77</sup>

Сўз бирикмаси борасида Ф.Ф.Фортунатов мулоҳазаларини тилга олиш ўринлидир. Чунки унинг таълимотида сўз бирикмаси тушунчасига ўзгача ёндашилганининг гувоҳи бўламиз. Ф.Ф.Фортунатов таъбирича, сўз бирикмаси тугал фикр ифода этади ва у синтаксис ўрганиши муҳим бўлган муаммолардан биридир.<sup>78</sup> Худди шунга ўхшаш фикр А.М.Пешковскийда ҳам учрайди. Унинг таълимотида, сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ сўзнинг нутқда мазмунига кўра бирикувини тақозо этиши изоҳланади.<sup>79</sup>

<sup>75</sup> Косовский Б.И. .Общее языкознание. - М., 1968. -С. 211

<sup>76</sup> Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. - М., 1957. -С.51

<sup>77</sup> Шведова Н.Ю. О некоторых активных процессах в современном русском синтаксисе. «Вопросы языкознания» - М., 1964. -С. 7

<sup>78</sup> Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды, том II 1956. -С. 183-184

<sup>79</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. - М., 1956. -С. 35

Сўзларнинг предикатив муносабати икки бош бўлакли гапнинг энг кўп қўлланадиган асаосий турларидан бири. Маълумки, гапнинг бошқа структурадаги турлари ҳам мавжуд.<sup>80</sup>

Сўз бирикмаси икки ва ундан кам бўлмаган сўзлардан ташкил топиши тўғрисида юқорида айтиб ўтилди. Шуни назарда тутиш керакки, мустақил маънога эга бўлган сўзлар сўз бирикмаси компоненти (таркибий қисми) бўлиб ҳисобланади. Баъзи тилларда икки сўздан иборат бўлган сўз бирикмаси учрайди, аммо бу сўз бирикмаларидаги бир компонент ёрдамчи сўз туркуми орқали намоён бўлади. Бу турдаги сўз бирикмалари синтактик жиҳатдан сўз бирикмаси саналмайди. Масалан, рус тилида *вокруг дома, у доски, немис тилида am Tisch, англиз тилида at the door*.

А.И.Смирницкий ёрдамчи сўзлар билан тузилган конструкцияларнинг сўз бирикмаларидан яна бир фарқини кўрсатиб ўтади. Унинг таъкидлашича, бундай конструкциялар сўзлар билан эмас, балки уларнинг алоҳида грамматик шакллари билан боғлиқ. Бунда мустақил маъноли сўзларнинг эркин бирикмалари алоҳида сўз формаларидаги барча тизимларида эквивалент бўлиб келади.<sup>81</sup>

В.В.Виноградов ҳам ўз тадқиқотларида эркин сўз бирикмаларининг муносабатлари хусусида гапириб ўтади. У ҳам сўз бирикмасини сўз эквивалентлари деб ҳисоблайди. “Сўз бирикмаси – бу мураккаб ном. У сўзда мавжуд бўлган номинатив функцияни ўзида намоён этади. Сўз бирикмаси худди сўздек, у яхлит бир форма тизимига эга”, - дейди В.В.Виноградов.<sup>82</sup> Бунга қўшилиш бироз мушкул. Негаки, барча сўз бирикмалари ҳам номинативлик хусусиятга эга эмас. Акс ҳолда предикативликни ифодаловчи сўз бирикмалар назардан четда қолади. Нутқ жараёнида юзага келган феълли бирикмаларда предикативлик белгиси яққол сезилиб туради (масалан англиз тилидаги *to speak fast, to do exercises, to read a book* кабилар). Бу билан отли бирикмаларда умуман предикативлик хусусияти йўқ деган хулосага келиш ноўриндир. Шу ўринда Х.Хайруллаев фикрини эслатиб ўтиш жоиз: “Номинатив бирлик ҳисобланса ҳам отли бирикмаларда атомар предикатга асосланган ички предикацияни кузатиш мумкин”.<sup>83</sup> Бундай фикр билан тўла қўшилиш мумкин. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга эътибор қаратсак: ***the lands around London***. Бу отли бирикма трансформация йўли орқали текширилганда предикативликни ифода этишини аниқлаш мумкин. *The lands around London* (Лондон атрофидаги ерлар) *The lands which are situated around London* каби алмаштирилиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, отли сўз бирикмалари ҳам предикативликни

<sup>80</sup> Основы построенная описательной грамматике современного русского литературного языка. – М., 1961. – С. 134-137

<sup>81</sup> Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956. -С. 68.

<sup>82</sup> Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. – М., 1954. -С. 8.

<sup>83</sup> Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. – Самарқанд. 2002. –Б. 31.

ифодалай олади. Шундай қилиб, сўз бирикмаларини (феъл ҳокимлигидаги эркин сўз бирикмалари ҳамда баъзи отли бирикмаларни ҳам) предикативлик ифодаловчи бирикмалар сифатида ўрганиш лозимлиги намоён бўлади. Бундай бирикмалар нутқ жараёнида юзага келади ва ўзидан бир поғона устун бўлган гап юзага келишида муҳим аҳамият касб этади.

#### **2.4. Содда ва қўшма гаплар ва уларнинг предикативликка муносабати**

Тилшуносликда предикативлик муаммоси асосан, гап доирасида тадқиқ этилиб келинди. Гапнинг муайян фикрни ифода этиш ҳамда унинг таркибида кесимнинг мавжуд бўлиши бунинг асл сабабларидан ҳисобланади.

Гапни тадқиқ этиш тилшуносликда муҳим вазифалар сирасига киритилди. Турли хил тилшуносликка доир манбаларда гап хусусида бир неча таърифлар бериб ўтилади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, “гапга таъриф беришда олимлар бироз мушкул вазиятда қолдилар. Негаки, “**гап**” тушунчаси тилшуносликда бошқа birlikларга нисбатан мураккаброқ хусусиятни ўзида мужассам этган.

А.А.Реформатский фикрича, “Тугал фикрни (тугал маънони) ифода этган сўз бирикмаси ёки яқка сўз гап деб аталади”. Реформатский фикрига кўра, гап – бу предикатив синтагмалардан ташкил топган хабар белгисига эга категориядир.<sup>84</sup>

Е.М.Галкина – Федорук таъбирича, гап инсон нутқининг грамматик жиҳатдан қурилган бирлиги бўлиб, у тугал мазмунга эга бўлиши лозим.<sup>85</sup>

Л.В.Щерба фикрича-дейди А.А.Реформатский, агар сўзлар воқеликка муносабат билдирмаса ёки ноўрин қўллаНильса (яъни бунда сўз нотўғри хабар – информация бериши назарда тутилмоқда) ҳам, аммо сўзлар грамматик жиҳатдан тўғри боғланишни ҳосил этса унда улар ўртасидаги муносабат гап деб аталиши мумкин ва гап тўғри шакллантирилган дейиш мумкин. Масалан: Кентавр выпил круглый квадрат.<sup>86</sup> (Кентавр айлана квадратни ичди).

Сўзларни кетма-кетликда, грамматик қурилиш асосида жойлаштириш бир бутун гапни ҳосил қилиши мумкин, аммо гапнинг предикативликни ифода этиши ҳисобга олинганда, бундай фикр бироз англашилмовчиликка олиб келади.

Негаки, юқорида Л.В.Щерба томонидан кўрсатилган мисол ҳақиқий гап бўла олмайди, у гапнинг модели ёки гап формуласига тўғри келади. Бизнингча, гап деб аталувчи тугал фикр грамматик қурилиш жиҳатдан тўғри тузилган бўлишига қарамай, у мазмунан хато бўлмаслиги, ҳамда нотўғри хабар ифода этмаслиги лозим.

<sup>84</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение. –М., 1967. –С. 331

<sup>85</sup> Галкина - Федорук Е.М. Предложение в свете материалистического языкознания, «Русский язык школе». 1959. №1 -С. 11

<sup>86</sup> Реформатский А.А. Ўша асар – Б. 332.

Маълумки, предикативлик ҳодисасини тўғридан-тўғри намоён бўлишида кесим асосий унсур сифатида тилга олинганлиги кўпчилик тилшунослик манбаларида учрайди. А.Нурмановнинг тадқиқотларида ҳам предикативликни ташувчи муҳим унсур кесим эканлиги, ҳамда кесимлилик орқали предикативликни англаш лозимлиги хусусида айтиб ўтилади.<sup>87</sup>

Предикативлик борасида олиб борилган кўпчилик тилшунослик тадқиқотлари предикативликни кесимга ёки кесимликка таянган ҳолда олиб борилди.

Тўғри, предикативлик ҳодисаси кесим иштирок этган гапларда яққол кўриниб туради. Чунки бериладиган хабар мазмуни кесим орқали аниқ ифода этилади.

Аммо шуни ҳам инобатга олиш лозимки, предикативлик гапдаги ёлғиз кесим билан эмас, балки ҳар бир гап таркибидаги бошқа унсурлар ёрдамида умумлашган ҳолда англашилади. Таъкидлаш жоизки, предикативлик ҳодисаси гапнинг умумий структурасини яхлит ҳолда вужудга келтираётган сатҳда ўз аксини топади.

1. Бу кеча унга одатдагидан кўпроқ туюлди. (А.Қаҳҳор “Сароб”)
2. Суяр ўзининг қувончини тантана билан эълон қилди. (А.Қаҳҳор “Ўжар”)

Юқоридаги мисолларда предикативлик ҳодисасининг ифодаланишида бевосита кесим вазифасида келган (туюлди, эълон қилди) сўзларнинг хизмати катта. Бироқ бу билан гапдаги бошқа сўзлар предикативлик муносабатининг намоён бўлишида аҳамиятсиз деб бўлмайди. Чунки гапдаги ҳар бир сўз гапнинг яхлит семантик мазмунини белгилаб, умумий ҳолда бир бутун синтактик шаклда ифода топиши учун хизмат қилади.

Ҳар бир гап таркибида келган, сўз ўзининг синтактик вазифасига эга. Биринчи гапда кеча ва туюлди сўзлари синтагматик қаторда бир-бири билан боғланган эга ва кесим муносабатини ташкил этган. Асосан, ана шу икки сўз ёрдамида бошқа сўзлар ҳам синтагматик муносабатни ўзида акс эттиради ҳамда эга ва кесимнинг предикативликни аниқроқ ифода этишида, ўзига хос аҳамият касб этади.

Инглиз тилида гаплар ўзига хос тартибда тузилади. Инглиз тилида дарак гапга хос структура Subject + Predicate + SPS (secondary parts of a sentence) формуласи ёрдамида намоён бўлади.

|                                                                                              |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>Subject + Predicate + SPS</b> яъни эга + кесим + гапнинг иккинчи даражали бўлақлар</p> |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|

<sup>87</sup> Нурманов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. – Тошкент., 1988. –Б. 32.

Ўзбек тилида кесим гапнинг охирида келса, инглиз тилида содда гапнинг дарак формасида кесим эгадан кейинги ўринда жойлашади:

1. I wipe my streaming eyes (A. Potter “Be Careful what you wish for”).
2. He described his pleasant surprise (E.D.Hoch. “The Problem of the traveler’s tale”).
3. You stay here and wait for him. (R. Barnard. “Dognapped”)

Юқорида келтирилган мисолларда инглиз тилидаги мустақил маънодаги wipe, describe, stay феъллари предикативликни ифодалашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда шу феъллар орқали хабар аниқ ифодага эга.

Келтирилган мисолларда асосий феъл иштирок этган. Аммо инглиз тилида кесим ёрдамчи феъллар воситасида ҳам ўз аксини топади. Бундай феъллар баъзан бошқа сўз туркумлари билан бирикиб от кесим вазифасида келса, баъзан эса мустақил феъл олдида келиб ёрдамчи вазифасини ўтайди ва ўз маъносини йўқотади. Фикр исботи учун қуйидаги мисолларга юзлансак.

1. We are creatures of the sun. (J.K.Jerome Three men in a boat)
2. I was thinking of other things. (J.K.Jerome Three men in a boat)

Бу икки мисолда инглиз тилидаги “to be” ёрдамчи феъли иштирок этиб, биринчи гапда to be нинг ҳозирги замон *are* шакли от-кесим, иккинчи гапда to be феъли инглиз тилидаги ўтган замон давом феълيني (Past Continuous) ифода этиш мақсадида қўлланилган. Инглиз тилида баъзи замон кўрсаткичлари асосий (мустақил) феълга ёрдамчи феълларни бириктирган ҳолда қўлланилади. Нафақат “to be” балки to have, to do ёрдамчи феъллари ҳам ўзининг мустақил маъносидан ташқари ёрдамчи феъл вазифасида кела олади.

Масалан. I have a car, гапида have бор бўлмоқ, эга бўлмоқ каби мустақил маъноларида келган бўлса, I have written a letter мисолида эса have ёрдамчи феъл вазифасида келиб, ўз маъноси йўқолган. Бунда у лексикализация ҳодисасига учраган. Юқоридаги сингари гаплар мустақил ҳамда ёрдамчи феъллар билан ифода этилган кесимлар орқали предикативлик ҳодисасини тўлиқроқ англашга ёрдам беради.

Инглиз тилида сўзловчининг иш-ҳаракатга ёки воқеликка нисбатан қўшимча муносабатини ифодаловчи модал феъллар бўлиб, улар мустақил феъллар билан қўлланилади ҳамда тингловчига нисбатан бирор - бир муносабат изоҳлайди. Инглиз тилидаги can, could, may, might, should, have to, ought to, must каби модал феъллар турли маъноларда келиб, мустақил, феълга қўшимча маъно беради. Масалан: *I read a book* – Мен китоб ўқийман; *I can read a book* – Мен китоб ўқий оламан; *I may read a book* – Мен китоб ўқишим мумкин; *I must read a book* – Мен китоб ўқишим керак каби маъноларда

қўлланилиши мумкин. Бундай модал феъллар предикативликни юзага чиқаришда ёрдамчи муносабатни ташкил этади.

Баъзан эса бу модал феъллар мустақил феълларсиз, якка ҳолда ҳам қўлланиш имкониятига эга. Масалан:

- May I come in ? / - Yes, you may.

Сўроқ гапда may модал феъли come (мустақил феъл) феъли билан бирикиб келган бўлса, жавоб формасида асосий феълни такрорламаслик мақсадида may якка ҳолда қўлланилган. Шундай бўлса-да, у тўғридан-тўғри предикативлик ифода эта олади. Бундай вазиятда may баъзан тушириб қолдирилиши мумкин, яъни жавоб қуйидагича берилади: - May I come in ?

- Certainly ( ёки Of course)

Бунда Certainly сўзи ҳам предикативлик хусусиятига эга. Чунки фикрга нисбатан тасдиқ муносабатини ифода эта олади. Баъзи ҳолларда содда гаплар кесимсиз қўлланилади.

- What is your last name? (Сизнинг фамилиянгиз нима?)

- Yarkulov (Ёркулов)

Ушбу ҳолатда жавоб ўрнидаги содда гап – My last name is Yarkulov тарзида берилиши лозим эди. Аммо у қисқа формада берилиш ҳам мумкин.

Юқорида содда гапларнинг предикативликни ифода этиши хусусида ўзбек ва инглиз тилларидаги мисолларни қиёслаган ҳолда таҳлил қилишга уриндик.

Қуйида эса қўшма гапларнинг предикативликка нисбатан муносабатини кўриб чиқамиз.

Қўшма гаплар содда гаплардан фарқли ўлароқ мураккаб қурилишга эга. Мураккаб синтактик қурилишга эга бўлган қўшма гапларнинг предикативлик белгисини намоён этиши ҳам ўзига хосдир. Ўзбек тилидаги боғловчили, боғловчисиз ва эргаш гапли қўшма гап турли қўринишларда намоён бўлади. Ўзбек тилида боғланган қўшма гаплар тенг боғловчилар ёрдамида ёки *бўлса, эса* сўзларининг бирортаси орқали икки содда гапни ўзаро муносабатга кириштиради.

Боғланган қўшма гапларда бир-бири билан муносабатга киришган содда гаплар мазмун жиҳатдан бири – иккинчисини тўлдиради ва уларнинг муносабати орқали яхлит бир бутун маъно келиб чиқади:

1. Ўзим олиб келганимда камчиликлари кўрсатилар ва бу кўрсатмаларнинг кейинги ишларим учун катта ёрдами тегар эди. (А.Қаҳҳор. Сароб).

Келтирилган мисол икки содда гапга ажратилиши мумкин.

1. Ўзим олиб келганимда камчиликлари кўрсатилар эди.

2. Бу кўрсатмаларнинг кейинги ишларим учун катта ёрдами тегар эди.

Боғланган қўшма гап таркибидаги икки содда гап ҳам ўзининг мустақил маъносига эга.

Шу жиҳатдан уларнинг ҳар бири алоҳида предикатив марказни ташкил эта олади. Негаки, ҳар бир содда гап ўзининг нисбий бўлса-да, алоҳида предикатив муносабатли структурасига эга.

Инглиз тилида ҳам қўшма гаплар ўзига хос хусусиятни акс эттиради. Инглиз тилида қўшма гаплар тенг боғловчилар, нисбий олмошлар ёрдамида ясалиши мумкин.

Масалан:

1. Jake walked to his chair and said he had no other questions. (John Grisham. A time to kill).

2. We stared at each other, no one wanting to say what we were thinking. (Ann Halam. Dr Franklin's Island).

Юқоридаги гапларда *and* (ва) тенг боғловчиси ҳамда *what* нисбий олмоши икки содда гапни боғлашда хизмат қилган. Ўзбек тилида келтирилган мисолларга қиёс қилган ҳолда ушбу мисолларни ҳам алоҳида содда гапларда ажратиш мумкин. Бундай ажратилган гаплар ҳам алоҳида предикат ёрдамида алоҳида предикативлик марказини ташкил эта олади. Бироқ, шуни эсда тутиш лозимки, предикативликни реал воқеликка муносабатлигини инобатга олганда, якка – якка содда гап сифатида ажратилган гапларда предикативлик тўлиқ ўз аксини топмайди. Негаки, қўшма гап икки гапнинг бирикувидан ташкил топиб, бир бутун ҳолда (яхлит) предикативлик ҳодисасини яхлит шаклда намоён этади. Агар ҳар бир содда гапга нисбатан алоҳида предикативлик белгиси таҳлил этилса, унда қўшма гапга бутунлай ҳожат қолмайди. Шу боис, қўшма гапларда предикативлик муайян икки гапнинг маълум бир воситалар ёрдамида бирикувининг яхлит кўринишида намоён бўлади, дейиш ўринли. Боғланган қўшма гапларда боғловчи ҳам маълум даражада предикативликни тўла намоён бўлишида аҳамият касб этади.

Қўшма гапларнинг боғловчисиз боғланган тури ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳеч қандай воситасиз шакллантирилади. Боғловчисиз қўшма гап хусусида Ғ.Абдурахмонов шундай дейди: “Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар мазмунан бирикиб, маълум воқеа, ҳодисалар ўртасидаги мазмун муносабатини ифодалаб, умумий бир мақсадни англатибгина қолмай, бу қисмларнинг гап бўлакларида ва грамматик тузилишида маълум бир мувозийлик бўлади. Бу ҳол қисмлар мувозийликни бир-бирига жипс боғлаб, маълум қўшма гап турининг тузилишига сабаб бўлади”.<sup>88</sup>

---

<sup>88</sup> Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент., 1996. –Б. 132-133

Боғловчисиз қўшма гаплар гарчи воситасиз боғланса-да, аммо уларнинг ҳам мазмунида яхлит маъно ётади, яъни боғловчисиз гаплар шаклан икки мустақил содда гап тарзида намоён бўла олса-да, улар боғловчили қўшма гаплар каби бир яхлит мазмунга таянади. Мисол учун қуйидагиларга юзлансак.

1. Шу жанжалдан кейин “булбулигуё” нинг жағи анча тийилди, Саидийнинг кўзига кам кўрина бошлади. (А.Қаҳҳор Сароб).

Берилган мисолда қўшма гап таркибий қисмлари мустақил ҳолда воқеликка муносабат ифода этаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай қўшма гапларни полпредикатив синтактик қурилма деб баҳолаш мумкин. Баъзи тилшунослар фикрича, бундай қўшма гапларнинг таркибий қисмлари яхлит интонация билан айтилишига кўра кетма-кет келган алоҳида – алоҳида содда гаплардан фарқ қилади.<sup>89</sup>

Боғланган қўшма гапнинг предикативликка муносабати хусусида гап кетганда, Х.Хайруллаевнинг “устпредикатив белги (маъно)” атамасига эътиборни назардан четда қолдирмаслик лозим.

Тилшунос Х.Хайруллаевнинг таъкидлашича, устпредикатив белги ҳар бири ўз ифода материалларига эга бўлган иккита предикатив марказга асосланади ва боғловчи ёрдамида воқелик билан боғланади.<sup>90</sup>

Бундай атамани қўллаш қўшма гапларнинг боғловчили боғланган турида предикативликни намоён бўлиши жараёнини аниқ кўрсатиб бериш учун катта аҳамиятга эга.

Умуман қўшма гапларнинг боғловчили ва боғловчисиз боғланган турларини турли шаклдаги структураларда учратиш мумкин.

Улардан бироз фарқ қилган эргаш гапли қўшма гап борасида тилшунослар турли мулоҳазалар билдириб ўтдилар. Маълумки, эргаш гапли қўшма гаплар тобелик муносабати орқали ҳосил этилади. Г.А.Золотова фикрича, эргаш гапли қўшма гапда коммуникатив оғирлик фақат ҳоким (бош) гапга тушади, шунинг учун ҳам унинг предикатив салмоғи асосий мавқега эга.<sup>91</sup>

Н.П.Романова таъбирича, эргаш гапли қўшма гаплар, шубҳасиз полпредикатив синтактик қурилмаларни тақозо этади.<sup>92</sup> Ғ.Абдурахмонов фикрича, эргаш гап фикрни кенгайтириш, ҳатто асосий мақсадни ифодалаш учун хизмат қилади. Баъзи эргаш

---

<sup>89</sup> Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис – Тошкент, 1987. –Б. 233.

<sup>90</sup> Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. Б. 52.

<sup>91</sup> Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. – М., 1973. –С. 322

<sup>92</sup> Романова Н.П. О понятии «Сложное предложение» // Починение в полупредикативных конструкциях. – Новосибирск, 1980. –С. 4-10

гапларда бош гапдагига нисбатан муҳимроқ воқеа, ҳодиса ҳақида хабар берилади, улар шаклан мустақил бўлади. Бундай эргаш гаплар мазмунига мувофиқ, эргаш саналади.<sup>93</sup>

Эргаш гапли қўшма гаплар инглиз тилида турли воситалар ёрдамида юзага келтирилади. Бундай воситалар гап маъносидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Жумладан, *when, if, as if, as though, therefore, while, though* кабилар эргаш гапнинг структур курилишида катта аҳамиятга эга.

Масалан:

1. *While they were having tea, a ring came to the front door.*
2. *It is very old story now, though we have not yet found an end to it.*

Юқоридаги эргаш гапли қўшма гаплар полпредикатив шаклда намоён бўлиб, уларнинг асосий мазмуни бош гапларда ўз аксини топган: 1.....a ring came to the front door. 2. It is a very old story now .....

Яъни бу шундан далолат берадики, бош гапларда берилаётган хабар воқеликка муносабатнинг асосий салмоғини ташкил этади. Бироқ, бу билан биз эргаш гапда предикативлик белгисининг намоён бўлишини бутунлай чегаралаб қўймоқчи эмасмиз. Аксинча, эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар икки қисмида (бош ва эргаш гапда) ҳам предикативлик хусусияти ўз аксини топган. Шу сабабли эргаш гапли қўшма гаплар полпредикатив курилма сирасига киритилади.

Хулоса қилиб айтганда, қўшма гаплар полпредикатив гаплар ҳисобланиб, содда гапларга нисбатан, анча мураккаб предикативлик белгисига эга. Улар предикативликнинг ўзига хос хусусиятини ўзида мужассам этади.

---

<sup>93</sup> Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент., 1996. –Б. 185-186.

### III. Боб. Тил бирликларининг иерархик муносабат масаласининг лингвистик тадқиқи

Тилнинг нутқда воқеланишида тил сатҳлари муҳим аҳамият касб этади. Сатҳ тушунчасига доир турли тавсифлар тилшунос олимлар томонидан бериб ўталади. “Сатҳ ёки ярус (level) тушунчаси озми, кўпми дескриптивистлар ва бошқа тилшунослик мактаби вакиллари томонидан тавсифланади. Сатҳ тушунчаси тил онтологияси, систематизация услуги ҳамда тил тавсифи билан алоқадор”.<sup>94</sup>

В.В.Лопатин ва И.С.Улуханов эса қуйидагича таъкидлайди: “Одатда сатҳлар бўлинишининг илк пункти сатҳларининг тил системасидаги асосий бирликларга мувофик ҳолда бўлинишининг айнан ўзидир. Тилшунослик мактаблари ва тадқиқотчилар тавсифи ўртасидаги фарқ эса улар учун асосий бирлик қайси эканлигида намоён бўлади”.<sup>95</sup>

“Тил сатҳлари ва тил бирликлари ўртасида бевосита алоқа бўлиши шубҳасиздир” – дейди В.М.Солнцев.<sup>96</sup>

Бу ўринда В.М. Солнцев фикри асослидир. Албатта, сатҳ тушунчаси тил бирлиги билан боғлиқ чамбарчас боғлиқ. Тилни ташкил этувчи тил бирликлари бор экан, уларнинг ҳар бирини алоҳида умумлашма сифатида бирлаштирувчи **сатҳ** тушунчаси юзага келади.

“Сатҳ тушунчаси тил бирлигининг шундай хусусияти белгиси билан алоқадор бўладики, бунда ўзгармас сатҳлар бўлиниш ва бошқа сатҳлар билан ўзаро муносабат касб этиши лозим бўлади. Тил бирлигининг бундай хусусияти иерархик муносабатни намоён этади”.<sup>97</sup>

Олим юқорида айтиб ўтилган фикри билан тил бирликлари кетма-кет жойлашиб, поғонали муносабатга киришишига изоҳ берган, десак муболаға бўлмайди.

Бу ўринда Т.П.Ломтев фикрини келтириш жоиз: “Сатҳ деб бошқа объектлар қуршовида келиб, тартибли муносабат билан боғланган муайян бир объектнинг ўрнига айтиш мумкин”.<sup>98</sup>

Солнцевдан фарқли ўлароқ Т.П.Ломтев тартибли муносабат тушунчасига бошқача ёндашади. Бу муносабатни “кўпроқ ёки камроқ”, “каттароқ ёки кичикроқ”, “узунроқ ёки қисқароқ” деган таърифлар билан изоҳлайди. Сатҳлар кетма-кетлигини Т.П.Ломтев “деривация принципи” асосида кўрсатди.<sup>99</sup>

<sup>94</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука. М., 1977. –С. 83.

<sup>95</sup> Лопатин В.В., Улуханов И.С. К соотношению единиц словообразования и морфонологии. –Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие –М., 1969. –С.120

<sup>96</sup> Солнцев В.М. Кўрсатилган асар. – Б. 83.

<sup>97</sup> Солнцев В.М. Кўрсатилган асар – Б. 84.

<sup>98</sup> Ломтев Т.П. Отношения порядка как основание выделения уровней синтаксических объектов – Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие – М., 1969. –С.143

<sup>99</sup> Ломтев Т.П. Кўрсатилган асар –Б. 143.

В.М.Солнцев таъбирича, сатҳ умумий тил системасидаги кичик система сифатида қаралади. Сатҳга эга бўлган кичик системалар тилнинг умумий системасига нисбатан муносабатда бўлган элементларни намоён этмайди, балки ўзининг бирликлари орқали иерархик муносабатга киришган умумий система бўлакларини ўз ичига олади.<sup>100</sup>

Сатҳ тушунчаси тилшуносликда аниқ бир таърифга эга эмас, у ҳозирга қадар мавҳумдир. Тилшунослар тил доираси таркибида хилма-хил сатҳлар борлиги хусусида баҳсли тортушувлар олиб борганлар.

Тилдаги ҳар бир сатҳ ўз бирликларига эгадир. Тил белгисининг белги сифатида намоён бўлишида фонематик сатҳ бирлиги бўлган фонема ниҳоятда юқори ўринга эга. Фонема терминини дастлаб И.А.Бодуэн де Куртенэ ўзининг “Славян тиллари қиёсий грамматикасидаги баъзи бўлимлар” асарида татбиқ қилди, фонема назариясини товуш алмашинуви назарияси асосида ўрганиб чиқди.

Унинг фикрича, фонема сўзнинг фонетик қисмлари билан қиёслаш нуқтаи назаридан фонетик бутунлик демакдир.<sup>101</sup>

Л.В.Щерба ўзининг “Фонетика французского языка” асарида шундай фикр билдиради: “.... жонли нутқда турли хил товушлар талаффуз этилади, ҳар бир тилда учрайдиган бундай турли товушлар сўз ва унинг формулаларини фарқлашда ҳамда бутун жамият учун хизмат қиладиган товуш тури бу **фонема** деб номланади.”<sup>102</sup>

Инглиз олими Д.Жонс таърифи билан айтадиган бўлсак, бир-бирига яқин (қариндош) товушлар гуруҳи ёки оиласини ўзида мужассам этган фонема сўзларни бир-биридан фарқлаш имкониятига эга. Товуш бир оилага, бир орфографик, грамматик ва семантик бутунликка бирлашади. Масалан “к” товушининг вариантлари инглиз сўзлари Call, cool, cup каби сўзларда бир-биридан физик жиҳатдан ажралиб туради, аммо тажрибавий яхлитликда биз уларни битта фонема деб ҳисоблашимиз керак.

Фонема борасида рус тилшунослари Н.Трубецкой, Р.Якобсон ва С.Карцевскойларнинг хизматлари каттадир. Н.С.Трубецкой фонемани фонологик birlik деб тушунади. Унинг фикрича “Фонема- мавжуд фонологик белгилар йиғиндисидир”.<sup>103</sup>

Таъкидлаш жоизки, тил birlikлари орасида фонема белги деб ҳисобланмайди, фонема фақат ифодаловчи хусусиятга эга.

Баъзи тилшунослар фонемани тил белгиси сифатида баҳолайдилар. В.Н.Головин фикрича, фонема кичик, тўлиқсиз белги, аммо у белгидир.<sup>104</sup>

<sup>100</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука. М., 1977. – С. 87.

<sup>101</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию т. I, -С. 121

<sup>102</sup> Щерба Л.В. Фонетика французского языка. – М., 1948. -С. 18-19

<sup>103</sup> Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1964. -С. 42

<sup>104</sup> Головин В.Н. Общее языкознание. – М., 1979. -С.149

Бу фикрга кўшилиш, бизнингча, мушкул. Чунки фонема фақатгина маъно фарқлашда хизмат қилувчи хусусиятга эга. Бу хусусият мустақил маъно ифодаси деган тушунчага тенг эмас.

В.М.Солнцев фонемага қуйидагича таъриф беради: “Фонема тилдаги товуш системасининг бир томонлама бирлиги, у бир-бирига ҳам функционал ҳам физик ўхшаш бўлган товушлар синфини ўзида намоён этади. Фонема маъно фарқловчи ва маъно ифода этувчи функцияга эга, фонема ўзи якка ҳолда гарчи маъно ифода эта олмасда аммо сўз ва морфемаларнинг товуш томонини ташкил этиб, улардаги маъно фарқланишида муҳим аҳамият касб этади.”<sup>105</sup>

Юқоридаги дастлабки келтирилган сатҳ тушунчаси, таъкидлаганимиздек, бирлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Тил бирлиги термини кенгроқ маънога эга. Тил бирликлари борасида тилшунослар турли қарашларни келтирадилар. В.М.Солнцев тил бирликларига фонема, морфема ва сўзни киритади. В.М.Солнцев фикрига кўра, бундай бирликлар умумий тил системасида турли статусга ва турли хусусиятга эга.<sup>106</sup>

А.И.Смирницкий таъбирича, тил бирлиги “тилнинг муҳим умумий белгиси”га эга бўлиши ҳамда бунинг таъсирида икки томонламалик кузатилиши шарт, яъни маъно ифодалаши лозим. Тил бирлиги жавоб бериши керак бўлган иккинчи талаб – бу унинг тайёр кўринишида акс этишидир.<sup>107</sup>

А.И.Смирницкий нуқтаи назари билан айтсак, тил бирликлари икки томонлама бўлиши керак. А.И.Смирницкий фонемани бир томонлама бирлик деб қарайди, шу боис уни тил бирликлари сафига киритмайди. У шундай ёзади: “Фонемы определяются или как единицы в строении языковых единиц, но не языковые единицы”.<sup>108</sup>

Г.Глисон шундай ёзади: “Фонема – бу товушлар синфи:

1) товушлар ўхшашлиги ва 2) ўрганилаётган тил ёки диалектикада муайян (маълум) бир дистрибуция модели ёрдамида характерланади.”<sup>109</sup>

А.А.Реформатский фикрича: “Талаффуз этиладиган товушларнинг турли-туманлиги ҳар бир тилда чекланган ва ҳисобига эга бўлган асосий товуш бирлиги-фонемаларга ажратилади; товушлар турли талаффуз қилинса-да, бир хил вазифани бажаради – ана шу хусусият фонемага хосдир”.<sup>110</sup>

---

<sup>105</sup> Солнцев В.Н. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука. М., 1977. – С. 33.

<sup>106</sup> Солнцев В.Н. Уша асар. – Б. 33.

<sup>107</sup> Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956. –С. 13

<sup>108</sup> Смирницкий А.И. Уша асар. – Б. 14.

<sup>109</sup> Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М., 1959. –С. 229.

<sup>110</sup> Реформатский А.А. Введение языкознание. – М., 1955. –С. 174.

О.С.Ахманова фикрича, фонема ва вариант маълум муайян бир маънода бир хил тушунчалардир: улар кўриниши ўзгарса-да, функцияси жиҳатдан тенгдирлар.<sup>111</sup>

В.М.Солнцев таъкидлашича, фонема – бу, албатта абстракт (мавҳум) товуш, аммо бу абстракт товуш унинг функциясида кўриб чиқилади.<sup>112</sup>

Фонемага таъриф беришда уни тил бирлиги эканлигини ҳам ҳисобга олиш, бизнингча ўринлидир. Чунки тил бирлиги сифатида фонема бошқа бирликларнинг шаклланишида чексиз хизмат қилади.

Тилда фонемаларни ўз ичига олган сатҳ –бу фонематик сатҳдир. У мустақил сатҳ ва барча фонемаларни ўзида мужассамлаштириб, йирик парадигма сифатида намоён бўлади. Бу йирик парадигма-макропарадигма номи билан аталиши мумкин.

Инглиз тилида ҳам 44 та товушни ўз ичига олган фонематик макропарадигма ўз аксини топган. Инглиз тилида ҳар бир фонема ўзига хос хусусиятга эга. Масалан *a* товуш бир неча вариант фонемаларни ифода этади. **map** сўзида [ə] товуш **air** сўзида [E ə], **gate** сўзида [ei] ва ҳоказо.

Ана шундай тарбида инглиз тилидаги фонемалар турлича кўринишда намоён бўлади.

Фонемалар макропарадигмаси ҳар бир тилда, фонематик сатҳдаги яхлит бир бутунлик сифатида яққол кўзга ташланади. Бундай яхлит макропарадигма таркибида бир неча гуруҳларга ажратиладиган микропарадигмалар учрайди.

Фонематик сатҳ макропарадигмаси дастлаб унли ва ундош фонемаларни ташкил этувчи микропарадигмаларга бўлинади. Инглиз тилида бундай микропарадигмаларни “The microparadigm of the Vowels (унли) and the Microparadigm of the Consonants (ундошлар)” деб аташ мумкин.

Микропарадигмалар ана шу тартибда яна кичик гуруҳларга бўлинади. Унлилар микропарадигмаси тил ҳаракатига кўра тил олди, тил орқа, тил ўрта кенг ва қуйи кенг унлиларга бўлинса, ундошлар парадигмаси ҳам жарангли, жарангсиз, сирғалувчи, портловчи ундошлар ва ҳоказо микропарадигмаларга бўлинади.

Фонемаларни сегментларга ажратиш мумкин. Масалан *a bag* сўзини сегментлаганда, уни фонема (яъни b + a + g) дан ташкил топганининг гувоҳи бўламиз.

Фонемалар ҳар бир сўз учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир фонема тилдаги ҳар бир сўзда ўзига хос такрорланмас кўринишда учрайди. Масалан **нон** ва **кон** сўзларида битта фонеманинг ўзгариши сўзларнинг бутунлай бошқа-бошқа эканлигидан далолат беради. Ана шу хусусиятини ҳисобга олиб фонемани маъно фарқловчи, сўзнинг

<sup>111</sup> Ахманова О.С. Фонология. – М., 1954. -С.12

<sup>112</sup> Солнцев В.Н. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука. М., 1977. – С. 221.

ташки ифодаловчи томонини ташкил этган бирлик сифатида изоҳлаш мумкин. Фонема ўзи маънога эга бўлмаган энг кичик бирлик бўлса-да, катта бирликлар юзага келишида қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Фонемалар бир-бири билан синтагматик муносабатга киришганда морфема ёки сўзнинг товуш томони ҳосил бўлади.

Фонемадан каттароқ тил бирлиги морфема терминига ҳам жуда кўп таърифлар берилади. У ҳам тилнинг энг кичик бирлигидир. Фонема морфемадан фарқли ўлароқ белгига хос бўлган икки хусусият; яъни ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларга эга.

Тилшуносликда “морфема” термини илк мартаба И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан қўлланган. “Л.В.Щербанинг гувоҳлик беришича, тилшунослик **морфема** терминини сўзнинг энг кичик маъноли қисми деб таърифлаган И.А.Бодуэн де Куртенэдан қарздордир”, - дейди В.М.Солнцев.<sup>113</sup>

И.А.Бодуэн де Куртенэ шундай ёзади: “Боғланишли нутқ мустақил гап ёки фразаларга, гаплар мустақил сўзларга, сўзлар морфологик бўғинларга ёки морфемаларга, морфемалар фонемаларга бўлинади”.<sup>114</sup>

Н.Крушевский тадқиқоти хусусида И.А.Бодуэн де Куртенэ шуни таъкидлайди: “Нутқнинг гапларга, гапларнинг сўзларга, сўзларнинг морфологик бўлиниши фикрига қарши фикр камдир. Аммо морфологик бирликда ёки мен уни айтганимдек “**морфема**” да бу бўлиниш нихоя топади”.<sup>115</sup>

В.М.Солнцевнинг таъбирича, берилган маънода морфема ўзак ва аффиксларнинг барча турлари каби мустақил бўлмаган сўз қисмларини ифода этади. Жумладан префикс, суффикс, инфикс ва қўшимчалар.

Морфема терминига ўхшаш қўлланилишни И.И.Мещаниновда учратиш мумкин: “Сўзнинг шакл томони ва унинг маъноли қисмлари (морфема)ни сўзнинг маъносидан ажратиб ўрганиши мумкин эмас”.<sup>116</sup>

И.И.Мещанинов берилган маънодаги морфемаларнинг вазифаларини лексик ва синтактик вазифаларга бўлади. (қўрсатади, ажратади) ҳамда уларни мос равишда *лексемалар* ва *синтаксемалар* деб атайди.

И.И.Мещанинов фикрича, синтаксемалар морфемалари билан яқинлашади.<sup>117</sup>

Н.Ф.Яковлев таълимотида морфема атамаси ўзининг бирламчи маъноси яъни “шакл” маъносида ишлатилади. У морфологияни сўз туркумлари ва алоҳида сўзларнинг

<sup>113</sup> Солнцев В.Н. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука. М., 1977. – С. 245.

<sup>114</sup> Бодуэн де Куртенэ. Некоторые отделы «Сравнительной грамматики славянских языков». – Избранные труды по общему языкознанию. Т.1. –М., 1963, –С. 121

<sup>115</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Николай Крушевский, его жизнь и научные труды. - Избранные труды по общему языкознанию. Т 1. –М., 1963. –С. 182

<sup>116</sup> Мещанинов И.И. Общее языкознание. – М., 1940. –С. 37

<sup>117</sup> Мещанинов И.И. Уша асар – Б. 42.

тип формалари – морфемалар ҳақидаги фан деб қарайди. Сўзнинг минимал маъноли қисмлари Ф.Н.Яковлев таълимотида “сема” деб аталади. “Сема” тушунчасини Ф.Н.Яковлев кавказ тилларини ўрганиш асосида келтириб чиқарган.<sup>118</sup> Бодуэн де Куртенэ таълимотидаги морфема тушунчаси сема тушунчаси билан тўлиқ мос тушган: “...сема – это простейшая значимая часть слова”.<sup>119</sup>

Ж.Вандриес таълимотидаги морфемалар кенгрок тарқалди. Ж.Вандриес барча тил элементларини маъно ифодаловчи ёки ғоя, улар ўртасидаги муносабатни кўрсатувчиларга ажратади. Маъно ифодаловчиларни у семантема деб атайди, шу ғоялар ўртасидаги муносабатни эса ифодаловчи тил элементлари деб атайди.<sup>120</sup> У фикрича: Морфемалар онг томонидан (орқали) ўрнатилган семантемалар аро муносабатни ифода этади. Вандриес морфемалар тизимига тилнинг барча ёрдамчи воситаларини, шу билан бир қаторда сўзнинг формал қисмларини ҳам киритади. Сўзларнинг маъноли қисмлари эса морфемага киритилмади.<sup>121</sup>

Морфема атамаси юқорида айтиб ўтганимиздек, Блумфильд ва дескриптив тилшунослар томонидан бошқача таърифга эга.

Блумфильд таъбирича, морфема минимал тил формаси. Бу маънода морфема атамаси сўз қисмлари (ўзак ва аффикслар)ни ҳам, содда, маъноли сўзларни ҳам шунингдек, ёрдамчи сўзларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Г.Глисон таъкидлашича, морфемалар инглиз тилидаги нисбатан содда сўзлардир.<sup>122</sup> Блумфильд *wolf* (бўри), *fox* (тулки), *dog* (ит) каби сўзларни морфемалар деб атайди.

Г.Глисон фикрича, *walk* (сайр қилмоқ), *talk* (суҳбатлашмоқ), *follow* (эргашмоқ), *call* (чақирмоқ) кабилар “морфемаларнинг энг йирик синфини ташкил этади”.<sup>123</sup>

Морфема термини ғоят кенг тушунча маъно-мазмунга эга, В.М.Солнцев таъкидича, морфема сўз қисми бўлибгина қолмай, балки сўз сифатида у сўз қуршовида эмас, сўз бирикмаси, гап таркибида ҳам таҳлил этилиш имконига эга.

Маълумки морфемалар тилдаги маъноли birlikлардан бири ҳисобланади. Морфемалар товуш томонлари билан бир-биридан фарқланади. Морфема хусусида олимлар ранг-баранг фикрларни келтириб ўтадилар. Баъзи мулоҳазалар бир-бирига яқин, аммо баъзилари бир-бирини инкор этади.

Ю.С.Степанов таъбирича, энг кичик грамматик форма морф ҳисобланади. Ю.С.Степанов морф тушунчасини энг кичик бўлинмас birlik деб тасаввур этади.

<sup>118</sup> Яковлев Н.Ф. Грамматика литературного кабардино – черкесского языка. М. –Л., 1948. –С.7.

<sup>119</sup> Яковлев Н.Ф. Грамматика литературного кабардино – черкесского языка. М. –Л., 1948. –С. 236.

<sup>120</sup> Вандриес Ж. Язык. - М., 1937. -С. 77.

<sup>121</sup> Вандриес Ж. Уша асар. – Б. 77.

<sup>122</sup> Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М., 1959 -С. 43

<sup>123</sup> Глисон Г. Уша асар - Б. 99.

Тилшунос морфнинг икки турини ажратди: 1. Сўзнинг асосий қисмини ташкил этувчи ўзак морф. 2. Маъноли аффикс морфлар.<sup>124</sup>

В.Б.Касевич морфема минимал маъноли бирлик ёки минимал маъноли бирлик дея эътироф этади. В.Б.Касевич ҳам морфемани икки гуруҳга ажратишни лозим деб топди: 1) Мустақил морфемалар 2) Ёрдамчи морфемалар. Мустақил морфемалар лексик деб баҳоланса, ёрдамчи морфемалар грамматик деб талқин этилди.<sup>125</sup>

Грамматик морфемалар жумласига В.Б.Касевич артикль, предлог, кўмакчи, боғловчи кабиларни киритди.

Ўзбек тилшунослари М.Мирзаев, С. Усмонов, И.Расулов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв сингари олимлар морфема борасида, унинг лингвистик табиатини ўрганиш хусусида илмий тадқиқотлар олиб бордилар.

Хусусан, Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизовлар томонидан нашр этилган “Умумий тилшунослик” китобида морфемага шундай таъриф берилади: “Тилнинг энг кичик маъноли бирлиги морфема деб аталади”.<sup>126</sup>

Бундай таъриф морфеманинг барча турларини қамраб олиши тўғрисида Х.Хайруллаева айтиб ўтади.<sup>127</sup>

Ш.Раҳматуллаев таъкидича, морфеманинг асосий белгиси – грамматик бирлик экани таърифига киритилиши лозим. Шундагина “луғавий морфема”, “ўзак морфема” терминларидан воз кечилади.<sup>128</sup>

Бу фикр билан қўшилиш қийин. Негаки, ўзак морфема тушунчаси морфема борасидаги муҳим терминлардандир. Ўзак морфема тушунчасидан воз кечиш мумкин эмас.

А.Ҳожиёв фикрича, морфема, аффикс ёки сўз шаклида келишига қарамай, сўз бирикмаси ёки гапнинг синтактик вазифа олиши учун хизмат қилади.<sup>129</sup>

Ҳар бир тилда морфематик сатҳ бўлганидек, инглиз тили ҳам ўз морфематик тизимига эга. Инглиз тилида морфемалар икки турга ажралади: 1. Ўзак морфемалар (Root morphemes) 2. Аффиксал морфема (Affixal morphemes).

Ўзак морфемалар ўз маъносига эга бўлади. Ўзак морфемалар турли сўз туркумига оид бўлиши мумкин. Масалан work, man, forget ва ҳоказо. Бошқа тиллардан фарқли ўлароқ инглиз тилида аффиксал морфемалар бир неча гуруҳларга ажралади. Негаки, аффикслар ҳам ўз навбатида бир неча турларга ажратилади:

<sup>124</sup> Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 1975. -С. 111-116

<sup>125</sup> Касевич В.Б. Элементы общей лингвистики. – М., 1977. -С. 54

<sup>126</sup> Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. – Тошкент. 1979. –Б. 76.

<sup>127</sup> Хайруллаев Х. Тил бирликларининг поғонали муносабати. - Тошкент., 2008. -Б. 40.

<sup>128</sup> Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. –Toshkent, 2006, -B. 115.

<sup>129</sup> Ҳожиёв А. Морфемика // Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1980. - Б. 162.

## 1. Prefixes – Префикслар

Префикслар олд қўшимчалар бўлиб ҳисобланади. Улар ўзак морфема олдидан қўшилади. Бундай префикслар бир сўз туркумидан бошқа сўз туркумини ҳосил қилиши мумкин. Инглиз тилида префикслар анчагина миқдори ташкил этади. Масалан: *a, an, ad, ante, anti, ant* ва ҳоказолар.

Шундай префикслар ҳам борки, улар ўзакка қўшилиб, инкор маънодаги сўзни ҳосил қилди. Масалан:

1) It is **atypical**. – маъноси:

It is **not typical**.

2) He is **amoral**. - маъноси: He is without morals.

## 2. Suffixes. Суффикслар.

Масалан: *imagin-e* – *imagine* ва ҳоказо.

Х.Глисон таъбирича, морфема содда сўзларнинг ўзгача номланиши.<sup>130</sup>

Э.Б.Агаяннинг “Введение в языкознание” қўлланмасида морфема ҳам форма, ҳам маъно касб этувчи тилнинг кичик бирлиги сифатида талқин этилади.<sup>131</sup>

Баъзи ҳолларда “ифода” ёки “мазмун” плани ўрнида морфеманинг мазмун асосида унинг ташқи томонини ташкил этувчи товуш бирлиги ётади, деган қарашлар ҳам учрайди. Бундай қараш айнан Г.О.Винокур тадқиқотида кузатилади. “Морфема тушунчаси остида товуш бирлиги англашилиб, у ёки бу функцияда бўлинадиган бундай бирлик бўлиниш хусусиятига эга, яъни морфема мустақил ҳолда қўлланила олмайди ва бирмунча мураккаб сўзнинг бўлаги сифатида намоён бўлиши мумкин”.<sup>132</sup>

Морфема тилнинг икки томонлама бирлиги эканлиги Б.И.Косовский томонидан қуйидагича талқин этилади: “Ҳам ифода, ҳам мазмун плани бўлган морфема муайян ҳолатда диққатни тортади”.<sup>133</sup>

Б.И.Косовский қуйидаги фикрга эътибор қаратди, яъни баъзан ҳам лексик, ҳам грамматик маънога мос келувчи сўз структурасидаги кетма-кет бўлақларни ажратиш мушкул. Масалан, инглиз тилидаги *foot-feet*, *die Tochter* – *die Töchter* сўзларини Б.И.Косовский мисол сифатида кўрсатди. Бу сўз формалари отнинг кўплик шаклини яшашдаги морфологик нуктаи назар орқали намоён бўлади. (*foot* - оёқ, *feet* – оёқлар; *die Tochter* – қиз, *die Töchter* қизлар (фарзандга нисбатан).

<sup>130</sup> Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М., 1959 -С. 11.

<sup>131</sup> Агаян Э.Б. Введение в языкознание. Ереван. 1960. -С.276

<sup>132</sup> Винокур Г.О. Избранные работы по русскому языку. – М., 1959. -С. 419

<sup>133</sup> Косовский Б.И. Общее языкознание. Минск. 1968. –С.143

Келтирилган сўз формаларининг кўплик сониди мазмун плани икки мустақил элемент: асос, мустақил (ўзак маъноси), ва қўшимча (аффиксал маъно) га ажратилади. Аммо ифода плани алоҳида морфемаларга ажратиш имконига эга эмас.<sup>134</sup>

Бу мисол И.А.Мельчук томонидан ҳам тадқиқ этилди. Тилшунос И.А.Мельчук фикрича, бундай сўзлар бошқа услубда ясалган.

И.А.Мельчук уларга таъриф бераётиб, шундай дейди: foot-feet, die Tochter – die Töchter – это результат перекодирования. Олим фикрича масалан инглиз тилидаги book сўзининг кўплиги book + s (tooks) икки морфеманинг кетма-кетлигидан ясалган. Аммо юқоридаги мисолларда морфемалар кетма-кетлиги йўқ ҳамда улар морфемаларнинг кетма-кет боғланишининг маҳсули эмас.<sup>135</sup>

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, И.А.Мельчук таъбири билан айтганда, сўз формуларининг мазкур тартибда кўплик шакли ҳосил қилиши “суперморфема” термини билан боғлиқ. Унинг фикрича, инглиз тилидаги feet –бу **суперморфемадир**.<sup>136</sup>

Шундай қилиб, морфемаларнинг лингвистик табиати хусусида ҳозирги тилшуносликда турли хил фикрлар мавжудлигини кўрамиз. Морфема тўғрисида билдирилган фикрлардан энг тўғриси бу морфеманинг бўлинмас энг кичик тил бирлиги эканидир. Бу фикрни тасдиқлаш ҳамда морфема борасидаги фикрларимиз хулосаси дейиш мумкин.

Тилшуносликда изоҳталаб терминлардан яна бири **лексемадир**. Лексема борасида ҳам кўп изланишлар олиб борилди, аммо бу термин таърифи ҳам ҳозиргача аниқ бир тавсифга эга эмас.

Ўзбек тилшуносларидан А.Нурмонов фикрича, лексема лексик сатҳ бирлиги у нутқий жараёнда лексик-семантик вариантлар орқали воқеланади.<sup>137</sup>

Профессор Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар таъкидлайди: “Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури лексемадир”.<sup>138</sup>

Рус тилшуноси Т.В.Булыгина терминларни (атамаларни) тартибга солишни таклиф этди: “Терминологик кетма-кетлик нуқтаи назаридан ўзаро боғланишли элементар

<sup>134</sup> Касовский Б.И. Ўша асар, ўша бет

<sup>135</sup> Мельчук И.А. О внутренней флексии в индоевропейский и семитских языках. «Вопросы языкознания». 1963 №4 -С. 37

<sup>136</sup> Мельчук И.А. Ўша асар – Б. 38.

<sup>137</sup> Нурмонов А ва бошқалар Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент. 2001. –Б. 79.

<sup>138</sup> Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи. 1995. –Б. 37.

грамматик маъно граммемалар, элементар лексик маънонинг ўхшаш мажмуи эса – лексемалар, уларнинг умумий номи – семема деб аталиши қулайроқ бўлар эди”.<sup>139</sup>

Н.Д.Арутюнова таъбирича, бир вақтнинг ўзида нутқда икки система – ифода плани ва мазмун плани системалари амалга ошишини таъкидлаб, икки кўринишдаги бирлик сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, ифода плани бу – фонема, мазмун плани – оддий белгининг ифодаланувчиси ёки “семема” деб аталади.<sup>140</sup>

В.М.Солнцев шундай дейди: “Тилда асосан қанча семема мавжуд бўлса шунча морфема мавжуд, сўзлар миқдори эса лексемалар сонига мос келади”.<sup>141</sup>

Лексема сўзининг келиб чиқиши **грекча lexis** сўзига асосланади. У тилнинг луғавий таркиби бирлиги сифатида талқин этилади. Бундай талқин бу бирликнинг муайян грамматик шакллари ва унинг ифодаловчи флексияларида, шунингдек, барча маъноли вариантлари асосида олиб борилади.

1918 йилда А.М.Пешковский томонидан таклиф қилинган, кейинчалик эса Н.Н.Дурнова грамматик луғатидан ўрин олган лексема термини В.В. Виноградов, А.И.Смирницкий ва А.А.Зализняк ишларида тўлароқ тавсифга эга бўлди.

Юқоридаги олимлар тадқиқотларида парадигматик бўлиниш критериялари ва нутқда реал учрайдиган эмперик сўзлар ўхшашлиги, яъни уларнинг бир ёки турли лексемаларга муносабати ёритилган.

“Сўз” тушунчасини сақлаган ҳолда, “лексема” термини унинг (сўзнинг) парадигматик хусусиятларини (бу ҳолда “лексема” атамаси қўлланилади) ва унинг синтагматик “хусусиятларини (бу ҳолда “сўз формаси” термини ишлатилади) чеклаш имкониятларини беради.

“Лексема тилнинг мавҳум бирлиги сифатида матнда аниқ бир намуналари орқали намоён бўлади, лексеманинг матн намунаси баъзан “лекс” деб аталади; бир лексеманинг мазкур матндаги “лекс” миқдори (яъни сўз қўлланилиши) унинг частотаси (яъни неча марта қўлланилиши) бўлиб ҳисобланади”, - дейди Ю.С.Маслов.<sup>142</sup>

С.Е.Яхонтов фикрича, лексемалар грамматик маънолари билан бир-биридан фарқланади, масалан столни-столга кабилар алоҳида лексема ҳисобланмайди, аммо грамматик “аллолексемалар” системасини, яъни парадигмани ташкил этади.

<sup>139</sup> Булыгина Т.В. О некоторых аналогиях в соотношении семантических и звуковых единиц. – «Вопросы языкознания» 1967, №5 -С. 82.

<sup>140</sup> Арутюнова Н.Д. О минимальной единице грамматической системы. – Единицы рахных уровней грамматического строя языка, - С. 40.

<sup>141</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука.- М., 1977. –С. 194.

<sup>142</sup> Маслов Ю.С. Введение языкознание, изд. 1 М., 1975., Изд. 2-е – М., 1987 -С. 143

Парадигматик нуқтаи назардан лексема флексив тиллардаги сўз формалари ўхшашлигининг абстракция натижасини намоён этади.<sup>143</sup>

Тилда учрайдиган баъзи лексемалар бир хил морфемалардан ташкил топиши мумкин. Улар турли лексемалар ёки уларнинг категориал конверсияси деб аталади. Масалан рус тилидаги вокруг (предлог) – вокруг (наречие) инглиз тилида early (равиш) – early (сифат). Бу турдаги лексемалар турли сўз туркумларига мансуб бўлган бир лексема сўз формалари бўлиб ҳисобланади.

Ю.С.Маслов тадқиқотларида лексема глоссемадан фарқ қилиши қайд этилган. Глоссемалардан фарқли ўлароқ, лексема фақат содда эмас, балки таркибли ёки аналитик тузилишга эга. Масалан, инглиз тилида: to pride oneself “ғурурланмок”, рус тилидаги железная дорога, кабилар. Содда лексемалар кўпинча, аналитик аллолексемани намоён этади.

Америка тилшунослигида “лексема” термини дастлаб Б.Уорф томонидан қўлланди. Аммо лексема атамасининг аниқ таърифи йўқ. Масалан, У.Вайнрайх (1966) лексема атамаси остида исталган идиоматик бирликни тушунади ва бундай идиоматик бирлик бир сўздан ёки бир неча сўздан иборат бўлиши мумкин.

Француз тилшунослигида лексема термини А.Мартине томонидан таъриф берилиб, у морфемага қарши қўйилди, А.Мартине каби тилшунослар лексемани ёрдамчи маъноли элемент сифатида морфемага қарама-қарши қўядилар.

Баъзи француз тилшунослик тадқиқотларида “лексема” термини луғат таркибидаги мавҳум бирлик маъносида сўздан фарқ қилувчи бирлик деб кўрсатилади.

Москва семантика мактаби аъзолари “лексема” терминини 1960 йил ўртасидан бошлаб кенг тушунча сифатида талқин эта бошладилар.

Лексема термини сўзни тилнинг структур элементи сифатидагина алмаштириш мумкин ва гап компоненти вазифасида лексема эмас, балки сўз тушунчаси устувор аҳамият касб этади. Шуни айтиш мумкинки, лексема тилнинг луғат таркибидаги икки томонлама бирлиги, яъни у ўзида ҳам ифодаловчи, ҳам ифолананувчи жиҳатларни намоён этади. Луғат таркибидаги мустақил лексик маънога эга бўлган, абстракт хусусиятли тил бирлиги лексема ҳисобланади.

Инобатга олиш муҳим бўлган нарса бу лексема ва сўзнинг бир элемент эмаслигидир. Тилдаги барча сўзлар лексемалик хусусиятига эга бўлавермайди. Масалан, инглиз тилида артикль, предлог кабилар лексема бўла олмайди. Негаки, улар лексик маънога эга эмас. Тўғри, бундай сўзлар гап тузишда муҳим омил сифатида иштирок этади,

---

<sup>143</sup> Яхонтов С.Е. О морфологической классификации языков. – Всб: Морфологическая типология и проблема классификации языков. М. –Л., 1965 -С.57

аммо мустақил ҳолда уларни қўллаб бўлмайди. Бироқ инглиз тилидаги артикль ва предлоглар ўзининг мустақил парадигматик қаторини ташкил этади. Предлогларни олсак, улар умумий парадигматик қаторга эга, бу умумий парадигма яна бир неча кичик парадигматик гуруҳларга ажралади. Шундай бўлса-да, бундай сўзлар гапда ўзи боғланиб келган сўз билан бирга таржима қилинади.

Ўзбек тилида ҳам бундай сўзлар талайгина миқдорни ташкил қилади. Улар сафига боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, тақлид сўзлар кабилар киритилиши мумкин. Инглиз тилида ҳам боғловчи, юкламалар лексема бўла олмайди.

Шу жиҳатдан лексема ва сўз бир-биридан фарқланади. Таъкидлаш жоизки, сўз ўрнида лексема терминини қўллаб бўлмайди. Чунки, сўз нутқда реал қўлланила олувчи, гап структурасини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### **3.1. Тил бирликларининг поғонали муносабати**

Юқорида тил бирликлари юзасидан турли хил фикрлар билдириб ўтилди.

Қуйида эса уларнинг бир-бири билан қай тарзда поғонали муносабатда бўлиши хусусда айтиб ўтмоқчимиз.

Поғонали муносабат тушунчаси тил ва нутқ сатҳлари воқелиги ва уларнинг лингвистик табиати билан узвий боғлиқдир.

Поғона (иерархик) атамаси сатҳлар ўртасидаги стратификатив боғланишда ўз аксини топади. Биз юқорида сатҳ тушунчасига аҳамият қаратган эдик. Сатҳ фақат тил билан боғлиқ тушунча бўлиб қолмасдан, нутқ нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш имконига эга.

Тилнинг турли сатҳга мансуб бўлган бирликлар ўртасидаги муносабат иерархик муносабат ҳисобланади.

“Агар морфема ва сўзлар ўртасидаги муносабат иерархик муносабат деб аталса, унда барча морфемаларни ташкил этувчи юқори синф морфемалари (ёки юқори парадигма морфемалари) ўртасидаги муносабат ҳам поғонали муносабат ҳисобланади”, - дейди В.М.Солнцев.<sup>144</sup>

В.М.Солнцев фикрича, элементларнинг юқори синфи ўртасидаги бундай муносабат бир тўғри чизик бўйлаб кетма-кет алоҳида бўлувчи синтагматик муносабат эмас. Бундай синфлар синтагматик муносабатда бўла олмайди.

Синтагматик муносабатни ҳосил қилган элементлар бир хил мураккабликдаги бирликлар ҳисобланади. Масалан, турли хил туркумдаги сўзлар (от, феъл, сифат), турли

---

<sup>144</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука .М., 1977. – С. 81.

синф морфемалари (ўзак ва қўшимча, яъни аффиксал морфема), турли фонемалар (ундош ва унли фонемалар).

Аммо бу элементларнинг ўхшашлик асосидаги муносабати эмас. Негаки, юқори парадигматик гуруҳлар бир-бири билан парадигматик эмас, синтагматик алоқага киришади.

Нутқ занжирида турли мураккабликдаги элементларнинг тизилган ҳолда муносабатга киришувидан иерархия ҳосил бўлади. Тил бирликлари билан содир бўлувчи иерархик муносабат нутқда намоён бўлади. Негаки, фақат нутқ жараёнини турли мураккаблик хусусиятидаги бирликларнинг бир-бири доирасида намоён бўлишига, яъни фонема морфемада, морфема эса сўзда ўз мавқеини топишига имкон яратади. Тилнинг маъноли бирликлари бўлган морфема ва сўзнинг ташкил топишида маънога эга бўлмаган фонеманинг ўрни ўта бекиёсдир. Гарчи у маънога эга бўлмасада, унинг иштирокисиз бирор бошқа тил бирлиги юзага кела олмайди.

Иерархик муносабатни изоҳлаганда, В.М.Солнцев “.....состоит из” тушунчаси билан ифода этиш мумкинлигини таъкидлайди.

Иерархик муносабатда тилнинг муайян бирликлар ўз сатҳларидан бир намоёнда сифатида иштирок этадилар. Фонематик сатҳ таркибидан фонема морфемани тузишда бевосита иштирокчи саналса, морфема сўз учун худди шундай вазифа бажаради.

Поғонали, яъни иерархик муносабатда тил бирликлари комбинатив хусусиятда бирикиб, катта бирликни ҳосил этади.

Тил бирликларининг поғонали муносабатида фонематик сатҳ унсурларининг хизмати ниҳоятда катта.

Бу сатҳ А.А.Реформатский тадқиқотларида фонетик сатҳ деб аталиб, у тил структурасининг асосий унсури деб баҳоланди. А.Реформатский таъбирича, сўз товушлардан эмас, балки морфемалардан, морфемалар эса фонемалар орқали шаклланади.<sup>145</sup>

Тил системаси яхлит ҳолда намоён бўлишига қарамай, унинг таркибида алоҳида, нисбий мустақил шаклдаги сатҳлар мавжуд, аммо булар бир-бири билан боғлиқ тарзда яшайди. Тил сатҳларининг нутқда реал қўлланилиши улар ўртасидаги узвий боғланишдан далолат беради.

Фонематик сатҳ бирлиги бўлган фонема морфологияда қуйи поғонадаги бирлик ҳисобланади. Тил сатҳларининг кичиги учун юқори поғона ҳисобланган бирлик каттаси учун қуйи поғона бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>145</sup> Реформатский А.А. О соотношении фонетики и грамматики (морфологии) // Вопросы грамматического строя. – М., 1955. -С. 95

Тилнинг фонологик сатҳи унсурлари фақат морфематик сатҳ унсурлари билангина узвий алоқадор эмас, балки барча сатҳ бирликларини ҳам фонологик бирликлар иштирокисиз ўрганиш қийин. Фонологик бирлик- фонема морфема ёки сўзларнинг маъноларини фарқловчи восита бўлиб ҳисобланса-да, у маънони тўғридан-тўғри фарқлай олмайди. Фонема морфема ёки сўзнинг товуш қобиғини фарқлайди товуш қобиғининг ўзгариши маъно фарқланишига сабаб бўлади.

Юқоридаги фикр юзасидан Р.И. Аванесовга мурожаат этиш мумкин. Унинг фикрича, фонема билан маъно тушунчаси ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд бўлса ҳам, бу боғланиш (алоқа) бевосита эмас, балки билвоситадир, яъни фонема сўз маъносини эмас, унинг товуш қобиғинигина фарқлайди.<sup>146</sup>

Фонема – тилдаги бўлинмас, қисмларга ажралмайдиган энг кичик бирлик ҳисобланади. Шунинг учун фонеманинг дифференциал белгилари сегментларни ташкил эта олмайди.

Шу туфайли тилдаги исталган фонема нутқнинг энг кичик сегменти ҳисобланади. У нутқни сегментлаш жараёнида, кичик бўлак сифатида ажралиб чиқади.

Фонематик сатҳ бирлиги – фонема тил системасининг мавҳум унсури эканлиги шубҳасиздир. Фонема инвариант характерли бирлик. Фонема фақат ифодаловчи жиҳатга эга, шу хусусияти уни бошқа тил бирликларидан фарқлайди. Фонемалар бир томонлама бирлик ҳисобланса-да, улар тилнинг мустақил сатҳи бўлиб фаоллик кўрсатадилар.

“Фонематик сатҳ бирликлари морфематик ва сўз сатҳлари учунгина эмас, балки нутқий сатҳларнинг шаклланиши учун ҳам муҳим восита саналади”<sup>147</sup>, - дейди Х.Хайруллаев. Бундай фикрда жон бор, албатта.

Тилда товушлар доимий ўзгаришда бўлади. Бундай товуш ўзгариши фонемаларнинг нутқда реал қўлланилиши ҳамда синтагматик муносабатга киришувидан келиб чиқади. Фонемалар бунда кетма-кетлик асосида бирикадилар. Масалан *pen, bag, teach, tip* каби фақат ўзак морфемалар бир неча хил фонемалар бирикувидан ташкил топади.

Фонематик сатҳ бирликлари морфематик сатҳ бирликларини ҳосил қилишда иштирок этиши – бу маънога эга бўлмаган унсурларнинг маъноли унсурлар таркибига киришини ифода этади.

Фонема дифференциал белгилари орқали морфеманинг товуш қобиғини ташкил этади. Албатта, фонема ўзидан катта тил бирлиги учун қурилиш материали бўлиб ҳисобланади ва унинг ифодаловчи товуш қобиғини ташкил этади. Маълумки морфемалар

<sup>146</sup> Аванесов Р.И. Кратчайшая звуковая единица в составе слова и морфемы // Вопросы грамматического строя. – М., 1955. -С. 114

<sup>147</sup> Хайруллаев Х. Тил бирликларининг поғонали муносабати. - Тошкент., 2008. –Б. 55

ўзак ҳамда аффиксал морфемага ажратилади. Ҳар икки турдаги морфеманинг ҳам материал томони фонемага бориб тақалади.

Маълумки, фонемалар макропарадигмаси яхлит ҳолда фонемаларни ташкил этувчи парадигматик гуруҳ ҳисобланади. Уларнинг дифференциал белгилари макропарадигмаси унсурлар доирасида абстракт ҳолда бўлади. Фонема морфема сатҳида қўлланилганда бу белгилар аниқ ифодага эга бўлмайди. Фонема ва морфема ўртасидаги муносабат поғоналиликка асосланади. Поғоналилик сатҳлар ўртасида рўй беради. Бу муносабат тилнинг қуйи сатҳи билан морфематик сатҳ ўртасида бошланади. Фикр исботи учун исталган морфемани олиш мумкин.

Инглиз тилидаги аффиксал морфемалар *dis*, *un*, *in*, *ant* каби префикс (олд қўшимча)ларнинг ифодаловчи томонига, яъни товуш жиҳатида эътибор қаратсак. Мазкур префикслар ҳосил бўлиши *d*, *i*, *s*; *u*, *n*; *i*, *n*; *a*, *n*, *t* фонемалар иштироки натижасида юзага келган. Бу ўринда фонематик ва морфематик сатҳлар бирликлари ўртасида вужудга келаётган поғонали муносабат фонемаларнинг дифференциал белгилари воқеланмоқда.

Демак, фонематик сатҳ бирликлари морфематик сатҳ доирасида қўлланиши жараёнида ўзаро боғланиши баробарида ана шу морфематик сатҳ бирлигини ташкил этади. Поғонали муносабат вужудга келишида асосан фонемалар фаоллик кўрсатмоқда, морфемалар уларнинг қўлланилишида имкон яратмоқда.

Морфема ва сўз ҳам худди шундай поғонали муносабатга киришади. Яъни тилимиздаги ўзак ва қўшимча морфемалар сўзни ҳосил қилишда бирдек аҳамият касб этади.

Аммо морфема ва сўз ўртасидаги поғонали муносабат фонема билан морфема ўртасидаги поғонали муносабатдан фарқ қилади.

Морфема ва сўз ҳар иккаласи ҳам тилнинг маъно англатувчи бирлиги ҳисобланади.

Морфеманинг сўз сатҳида реал қўлланилиши ва грамматик функция бажариши муболаға эмас.

Инглиз тилшунослари У.С.Аллен, С. Байзелл, Р.Ф.Пальмер, М.Халлидийлар эса ҳар бир сатҳ материали таҳлили ўзича автоном характерда бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Шу боис улар грамматика билан фонология ўртасида бевосита алоқа йўқ, деган ғояни олға сурадилар.<sup>148</sup>

Мазкур ғоя билан қўшилиш қийин. Агар бунга амал қилинадиган бўлса, тил системасининг яхлитлиги масаласига қарши борган бўламиз.

---

<sup>148</sup> Климов Г.А. Фонема и морфема. – М., 1967. -С. 65

Тил сатҳларининг автоном характери инкор этиш қийин. Лекин буни нисбий тушунмоқ лозим. Чунки улар ўртасидаги иерархик муносабат ҳар бир бирликнинг иккинчиси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Инглиз тилшуноси М.Халлидей морфеманинг фонемалар мажмуасидан ёки фонологик материалдан ташкил топиши унинг лингвистик таҳлили учун асос бўла олмаслигини ва умуман, фонология билан грамматика ўртасида боғланиш мавжудлигини инкор этади.<sup>149</sup>

Ўзаро поғонали муносабатда бўлган системалар *сатҳлар* деб юритилади. Бироқ бундай тушунчани тилшуносликда қўллаб бўлмайди.

Сўз бир морфемали бўлган тақдирда ҳам сўз билан морфема ўртасида вужудга келадиган поғонали муносабат тўлиқ сақланади. Чунки бундай вазиятда ягона тил бирлиги орқали бир йўла икки тил белгиси ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, морфема билан сўз ўртасидаги поғонали муносабатни сўз доирасида белгилай оламиз. Бунда сўз сатҳига кираётган ҳар бир морфеманинг шу объектда тутган ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фонема ҳам, морфема ва сўз ҳам тил бирликларидир. Лекин сўз, фонема ва морфемадан фарқли равишда, тилнинг луғат таркиби нуқтаи назаридан ҳам грамматик жиҳатдан ҳам ўз мақомига эга бўлган асосий бирликдир.<sup>150</sup>

Сўзнинг нутқий фаоллашувида, айниқса, функционал монема муҳим аҳамият касб этади, зотан, у тил луғат таркиби (парадигматик қатор) унсурларининг нутққа кўчирилишини таъминловчи асосий морфологик воситалардан биридир. Сўзга функционал фаоллик беришда тилимизда аффикс морфемалар боғловчи ва кўмакчилар муҳим вазифа бажаради. Бундан ташқари, уларнинг хизмати сатҳлар бирликлари ўртасидаги поғоналиликни таъминлашда ҳам алоҳида кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилардан кўриниб турибдики, тил сатҳлари бирликлари ўзаро иерархик муносабатга киришганда кичик бирлик юқори сатҳ бирлигини шакллантиради. Шундай экан, тил бирликларининг поғонали муносабати уларнинг нутқда воқеланиши учун муҳим аҳамият касб этувчи муносабатдир.

---

<sup>149</sup> Halliday M.A.K. Categories of the theory of grammar. "Word", v. 17, 1961, №3. 3. –С. 281

<sup>150</sup> Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956. -С. 20

## Хулоса

Поғонали муносабат масаласи тил бирликлари билан узвий боғлиқ бўлиб, у тил системаси унсурларининг амалда қўлланиши жараёнида ғоят муҳим аҳамият касб этди. Негаки тил бирикмалари ўз сатҳида фаоллик кўрсата олмайди. Тил бирикмаларининг реал қўлланилиши поғонали муносабатга асосланади.

Тил бирикмалари фонема, морфема, сўз ўзининг мустақил сатҳларига эга. Тил бирикмаларининг поғонали муносабати юқоридаги уч сатҳ доирасида ўрганилади. Поғонали муносабатга киришган тил бирликлари турли сатҳга мансуб бўлиши лозим. Поғонали муносабат шарти ҳам мана шунда. Кичик сатҳ бирлиги каттасининг сатҳига кириш сатҳлараро поғоналиликини намоён этади. Тилнинг кичик бирлиги фонема реал қўлланилиши учун морфема ёки сўз сатҳига кириши муҳим омиллардан ҳисобланади. Фонемаларнинг муайян сатҳида улар ўзаро иерархик муносабатга киришиши мумкин. Бундай муносабат тил бирликларининг дифференциал белгилари асосида юзага келади. Фонематик сатҳ бирлиги фонема ўз сатҳидаги бошқа бир фонема билан синтагматик муносабатга киришади. Мазкур муносабат фонематик сатҳ доирасида эмас, балки морфематик ёки сўз сатҳи қуршовида вужудга келади. Бундай жараён ҳам синтагматик, ҳам иерархик муносабатни намоён эта олади. Тил бирликлари ўртасидаги энг асосий муносабат фақат иерархик муносабат бўлибгина қолмай, парадигматик ва синтагматик муносабатлар ҳам тил бирликлари ўртасида муҳим мазмунга эга.

Тадқиқот ишимизда парадигматик ва синтагматик муносабатларга ҳам урғу бериб ўтдик. Иерархик муносабатдан фарқли ўлароқ, парадигматик муносабат тил бирикмаларининг ассоциатив муносабати. Бундай муносабат бир синфга (ёки сатҳга) тегишли элементларнинг ўзаро ички муносабати. Бу муносабатга киришган элементлар ўхшашлик асосида бирикиб, бир синфни ташкил этадилар, улар ташкил этган синф эса парадигма ёки парадигматик қатор деб аталади.

Масалан, фонемалар парадигмаси суперпарадигма сифатида унлилар ва ундошлар парадигмасига ажралса, унлилар ва ундошлар парадигмаси ҳам ўз навбатида микропарадигмаларга бўлинади.

Масалан, унлилар макропарадигмаси таркибига тил олди, тил ўрта, тил орқа каби микропарадигматик қаторлар жойлашади. Ҳар бир тил сатҳи ўз парадигмасига эга.

Масалан, сўзлар парадигмаси катта парадигматик гуруҳни ташкил этади. Маълумки, сўзлар туркумланади. Бу туркумларнинг ҳар бири (яъни сифат, сон, олмош, феъл, равиш каби) алоҳида ҳолдаги парадигматик гуруҳларга бирлашади.

Синтагматик муносабат эса ўзига хос хусусиятларга эга. Синтагматик муносабат фақат бир сатҳга тегишли бирликлар боғланишида рўй беради. Синтагматик муносабатда

муайян тил бирликлари нутқда воқеланиш имкониятига эга бўлади. Синтагматик муносабатга хос хусусият бир чизиқ бўйлаб, кетма-кетлик асосида бир сатҳга тегишли бирликлар алоқаси эканлигидадир. Тил системасида юқори поғонада бирлик бу сўз бўлиб, у синтагматик қаторда бошқа сўзлар билан боғланади ва гапнинг структурасини ёки синтактик шаклини намоён этади.

Иерархик ва синтагматик муносабат бир-бирига бироз яқин. Негаки, ҳар иккала муносабатда ҳам тил бирликлари бир тўғри чизиқ бўйлаб алоқага киришади. Албатта, бунда кетма-кетлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биргина фарқ, иерархик муносабат турли сатҳга мазкур элементлар ўртасида юзага келса, синтагматик муносабат бир сатҳ доирасидаги элементлар алоқаси билан юзага келади.

Тадқиқот ишимизда изоҳ бериб ўтган сатҳ тушунчаси жаҳон тилшунослигида кенг миқёсда талқин қилинди. Айтиш мумкинки, тил сатҳларининг ҳар бири нисбий мустақилдир. Бироқ тил сатҳлари ўзаро алоқада бўлади. Улар бир-бирини тақозо этади ҳамда бир-бирисиз яшай олмайди.

Тадқиқот ишимизда кўриб чиқилган иерархик, синтагматик муносабатлар нутқ жараёни билан узвий боғлиқ. Иерархик, яъни поғонали муносабат кичик сатҳда катта сатҳ бирилигини ҳосил бўлишини ифода этади.

Форнема морфемани, морфема эса сўзни яшашдаги энг муҳим муносабат иерархик муносабат ҳисобланади.

Тадқиқот ишимизда таъкидланиши лозим бўлган яна бир ҳодиса предекативлик атамаси остида юритилади. Предикативлик ҳодисаси талқини жаҳон тилшунослигида ҳозиргача ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда. Ҳанузгача бу борада ҳам яқка таъриф учрамайди. Предикативлик тушунчаси мантикий ҳодисани тақозо этади. Кейинчалик бу тушунча тилшуносликда ҳам қўлланилиб, синтактик категория сифатида талқин этила бошлади. Предикативлик шундай ҳодисаки, у орқали фикрнинг реал воқеликка муносабати ифодаланади.

Предикативлик ҳодисаси шу кунга қадар бўлган деярли барча тилшуносликка оид манбаларда аксарият ҳолларда гап билан боғлаб ўрганилди. Олимлар предикативлик ифодасида феълнинг шахс, замон ва майл категорияларининг аҳамият касб этиши хусусида фикр билдириб ўтдилар.

Предикативлик фақат нутқда содир бўлади, шунинг учун у нутқ бирликларига хос дейиш ноўриндир. Негаки, ишимизнинг олдинги бобларида тил бирлиги ҳисобланган сўз ва унинг предикативликка муносабати хусусида фикр айтиб ўтган эдик. Шунинг эса тутиш лозимки, бу жараёнда қўлланилаётган сўз махсус қўлланилиш ўрнига эга бўлиши керак.

Сўз бирикмалари ҳам ўзига хос жиҳат билан предикативликни ифода этади. Феълли сўз бирикмаларида реал ифодали предикативлик кузатилади. Отли сўз бирикмалари нопредикатив синтактик курилма сифатида ўрганилиши рус тилшунослигида йўлга қўйилди. Албатта, бундай бирикмалар нопредикатив деб ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Аммо баъзи отли сўз бирикмалари ҳам Х.Хайруллаев таъкидлаганидек, атомар предикатни ифода этиши мумкин. Тилшунос Х.Хайруллаев айтиб ўтганидек, атомар предикат сўз бирикмасининг ички пресуппозиционал маъноси билан боғлиқ ва у орқали воқеликка мавҳум тарзда муносабат билдирилади.

Предикативлик асосан гап соҳасида ўрганилишининг боиси, гап воқеликка тўғридан-тўғри муносабат билдиради. Гапда предикативлик билан алоқадор модаллик белгиси ҳам сезилиб туради.

Гап туридан қатъи назар, предикативлик англашилиб туради. Ҳар бир гап ўзига хос оҳанг ёрдамида айтилади.

Демак, оҳанг ҳам предикативлик категориясининг таркибий қисми деб қаралиши мумкин.

### Фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Тошкент. “Маънавият” 2008. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент., 1996. Аванесов Р.И. Кратчайшая звуковая единица в составе слова и морфемы // Вопросы грамматического строя. – М., 1955. Агаян Э.Б. Введение в языкознание. Ереван. 1960.
2. Адмони В.Г. Основы теории грамматики.1986. Адмони В.Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. М.1995.
3. Апресян Ю.Д. Экспериментальное исследование семантики русского глагола. М., 1967.
4. Арутюнова Н.Д. О минимальной единице грамматической системы. – Единицы разных уровней грамматического строя языка 1969.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М, 1966.
6. Ахманова О.С. Фонология. – М., 1954.
7. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1955. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966.
8. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. –Тошкент. 1979.
9. Бодуэн де Куртенэ. Некоторые отделы «Сравнительной грамматики славянских языков». – Избранные труды по общему языкознанию. Т.1. М., 1963. Бодуэн де Куртенэ И.А. Николай Крушевский, его жизнь и научные труды. - Избранные труды по общему языкознанию. Т 1. –М., 1963
10. Бокарев А.А. Синтаксис аварского языка. М. –Л., 1949. Буслаев Ф.И.Историческая грамматика. – М., 1981.
11. Булыгина Т.В. О некоторых аналогиях в соотношении семантических и звуковых единиц. – «Вопросы языкознания» 1967, №5
12. Вандриес Ж. Язык. - М., 1937 Виноградов В.В. Избранные труды. Исследование по русской грамматике. М. 1975.
13. Виноградов В.В. Основы принципы синтаксиса в «Грамматика русского языка». Известия АН СССР, ОЛЯ, т XIII, вып 6, 1954
14. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. – М., 1954.
15. Винокур Г.О. Избранные работы по русскому языку. – М., 1959.
16. Галкина - Федорук Е.М. Предложение в свете материалистического языкознания, «Русский язык школе». 1959. №1
17. Гардинер А. «Тил ва нутк» уртасидаги тафовут. М, 1960.
18. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М., 1959.
19. Головин Б.Н. Введение в языкознание. М, 1966.

20. Головин В.Н. Общее языкознание. – М., 1979.
21. Грамматика русского языка. АН. СССР. Т II. Дешериева Т.И. О соотношении модальности и предикативности Вопросы языкознания, №1, 1987.
22. Евдошенко А.П. «Проблема структуры языка». Кишинев 1967.
23. Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. – М., 1973.
24. Иофик Л.Л. Структурный синтаксис английского языка. - М.1972.
25. Касевич В.Б. Элементы общей лингвистики. – М., 1977.
26. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М. -Л.,1965.
27. Климов Г.А. Фонема и морфема. – М., 1967.
28. Косовский Б.И. Общее языкознание. – Минск. 1968.
29. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М., 1986.
30. Кузнецов П.С.О принципах изучения грамматики. М. б. 1961.
31. Куркина Е.И. Наклонения глагола в якутском языке. - М.1970.
32. Ломтев Т.П. Отношения порядка как основание выделения уровней синтаксических объектов – Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие – М., 1969.
33. Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М., 1972.
34. Лопатин В.В., Улуханов И.С. К соотношению единиц словообразования и морфонологии. – Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие – М., 1969.
35. Маслов Ю.С. Введение языкознание, изд. 1 М., 1975., Изд. 2-е – М., 1987
36. Мельчук И.А. О внутренней флексии в индоевропейский и семитских языках. «Вопросы языкознания». 1963 №4.
37. Мещанинов И.И. Структура предложения. М 1963.
38. Мещанинов И.И. Общее языкознание. – М., 1940.
39. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1995.
40. Нурмонов А., Махмудова Н., Ахмедов А., Солихужаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. ГПУ.РФА. Ф, 1992.
41. Нурмонов А. Гап, ҳақида синтактик назариялар. – Тошкент., 1988.
42. Нурмонов А. ва бошқалар Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент. 2001.
43. Основы построенная описательной грамматике современного русского литературного языка. – М., 1961.
44. Панов М.В. Русская фонетика. – М., 1967.

45. Панфилов В.А. Грамматика и логика. М. – Л. 1963.
46. Петров Н.Е. О содержании и объеме языковой модальности. Новосибирск, 1982.
47. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956.
48. Потенция А.А. Из записок по русской грамматике. М., 1958.
49. Распопов И.П. Проблема предикативности в лингвистической литературе. Уч. зап. БГУ, сер. Филолог науки, вып 8, №2, Уфа, 1961.
50. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М., 1967.
51. Реформатский А.А. Введение языкознание. – М., 1955.
52. Реформатский А.А. О соотношении фонетики и грамматики (морфологии) // Вопросы грамматического строя. – М., 1955.
53. Романова Н.П. О понятии «Сложное предложение» // Починение в полупредикативных конструкциях. – Новосибирск, 1980.
54. Савченко А.Н. Лингвистика речи // Вопросы языкознания, №3, 1986.
55. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-е, дополненное. Наука. М., 1977
56. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – Москва, 1977.
57. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М., 1957.
58. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. М., 1933.
59. Стеблин. – Каменский М.И «Спорное в языкознании», 1974.
60. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М., 1957.
61. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956.
62. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 1975.
63. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1964.
64. Турниёзов Н, Хайруллаев Х, Предикативлик ҳодисаси ҳақида // Тилшуносликнинг назарий ва амалий масалалари. – Самарқанд, 1998.
65. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды, том II 1956.
66. Хайруллаев Х. Тил бирликларининг поғонали муносабати. – Тошкент, “Фан” нашриёти 2008 .
67. Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. – Самарқанд. 2002.
68. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Л, 1941.
69. Шапиро А.Б. Модальность и предикативность как признаки предложения в современном русском языке. Филология наука, 1958, №4.
70. Шведова Н.Ю. О некоторых активных процессах в современном русском синтаксисе. «Вопросы языкознания» - М., 1964.

71. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис – Тошкент, 1987.
72. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент, 1985.
73. Ҳожиёв А. Морфемика // Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1980.
74. Яковлев Н.Ф. Грамматика литературного кабардино – черкесского языка. М. –Л., 1948.
75. Яхонтов С.Е. О морфологической классификации языков. – В сб: Морфологическая типология и проблема классификации языков. М. –Л., 1965.
76. Щерба Л.В. Фонетика французского языка. – М., 1948
77. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. –Toshkent, 2006.
78. Francis W.N. The structure of American English. NY., 1958.
79. Halliday M.A.K. Categories of the theory of grammar. "Word", v. 17, 1961 №3
80. Worth D.S. The role of transformations in the definition of syntagmas in Russian and other Slavic Languages. American contributions to the V International Congress of Slavists. The Hague, 1963.

#### **Фойдаланилган бадий адабиётлар рўйхати**

1. Абдулла Қаҳҳор. Сароб. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
2. Ellery queen. Mystery Magazine .Murder Straight up. Stories by Joyce Carol Oates, David Williams, Robert Barnard. June 2002.
3. Jerome K. Jerome. Three men in a boat. Санкт-Петербург, 2006,

